

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Ҳимояга рухсат этилсин»

Магистратура бўлими бошлиғи

п.ф.н. Х.Нажмиддинова

«____» _____ 2020 йил

**5A110801 – Тасвирий санъат ва амалий безак
санъати магистратура мутахассислиги
2-босқич магистранти**

Қосимова Нилуфар Муратжон қизининг

**“Қўқон мисгарлигининг ижодий анъаналари”
мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий рахбар: доц. Б.Жаббаров

Қўқон мисгарлигининг ижодий анъаналари.

Мундарижа:

Кириш.....	
I. боб. Металлар ҳақида умумий маълумот.....	
1.1. Адабиётлар шарҳи ва тадқиқотнинг материаллари.....	
1.2. Металлар ва уларни қотишмаларининг ҳоссалари.....	
1.3. Металлар ва уларнинг қотишмаларини термик ишлаш.....	
I. боб бўйича хулоса.....	
II. боб. Бадиий амалий санъатда нодир металллардан	
фойдаланиш.....	
2.1. Қора ва рангли металллар ҳақида техник маълумотлар.....	
2.2. Кандакорлик санъати тарихи	
2.3. Мисгарлик санъати ва кандакорлик мактаблари.....	
II. боб бўйича хулоса.....	
III. боб. Қўқон мисгарлик санъати ва уни давом эттирилиши...	
3.1. Қўқонлик мисгар уста Лутфулла Фозиловнинг давомчилари..	
3.2. Ёрқинжон Ахмадалиевнинг “Иқтидор маркази” даги фаолияти.....	
3.3. Мисгарлик санъатини замонавий таълим тизимига тадбиқ этиш.....	
III. боб бўйича хулоса.....	
Умумий хулоса ва тавсиялар.....	
Фойдаланилган адабиётлар.....	
Иловалар.....	

Кириш.

Дунёқарашни нима ўзгартиради –
илм, даромад, манфаат.

Шавкат Мирзиёев.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги:

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан сўнг барча соҳаларда жуда катта ислохотлар амалга оширилди ва барча жабҳаларда улкан муваффақиятларга эришиб келинмоқда. Кўплаб соҳаларда бўлгани сингари санъат, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳам жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, халқ хунурмандчилиги ва мисгарлик соҳасида ҳам ривожланишга эришилди. Миллий хунармандлар учун солиқ имтиёзлари ҳам алоҳида давлат миқёсида кўриб чиқилди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан санъат ва маъданиятга, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга жуда катта эътибор қаратилди. Жумладан, “Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақида”ги фармони (1997 йил 23 январ), “Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантириш давлат чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (1997 йил 31 март), “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони (1998 йил 12 январ) ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳам шулар қаторидадир.

Бугунги ривожланиш даврида миллий хунармандчиликка эътибор ортиб бораётган бир вақтда мисгарликка ҳам эътиборни янада ошириб, уларнинг турфа хиллиги, чиройлилигини, харидоргир қилиб кўпайтиришга катта ҳисса қўшишимиз керак.

Мамлакатимизда миллий хунармандларга солиқ имтиёзи дастлаб Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1997 йил 31 мартдаги “Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1741-сонли Фармонига асосан тадбиқ этилган бўлиб,

кейинчалик ушбу имтиёзнинг амал қилиш муддати биринчи Президентимизнинг тегишли Фармонларига асосан узайтириб келинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-4210-сонли фармонида уй шароитида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқариш бўйича “Хунарманд” уюшмаси аъзолари - якка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган қатъий солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПФ-4399-сонли фармонига асосан 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2005 йил 28 мартдаги “Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3588-сонли фармони билан тасдиқланган хунармандчиликнинг асосий 25 та фаолият тури рўйхати асосида қўлланилган. Тадқиқот мавзумиз эса хунармандчилик фаолият турларининг мис буюмлар ва совға эсдалик буюмлари тайёрлашни ўз ичига қамраб олади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилиниши белгиланди. Қўқон мисгарлик санъати ҳам оилавий тадбиркорлик соҳасини ўз ичига олади. Кўплаб мисгар усталар хунарларини оила аъзалари даврасида, фарзандларига ўргатган ҳолда ажойиб санъат асарларини ишлайдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан хунармандлар меҳнати янада қадрланиб, юртимизда 2019 йил 10-15 - сентябр кунлари Қўқон шаҳрида Халқаро Хунармандчилик фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда 79 та давлатнинг хунармандлари ўз ишлари билан қатнашдилар.

Эрон давлатининг Исфохон шахридан ташриф буюрган мисгар уста Реза Абеди ясаган ажойиб мис буюмлари, кандакорлик асарлари фестивал иштирокчилари томонидан илиқ кутиб олинди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ҳам жуда кўплаб устазодалар ўзбек халқ амалий санъати дурдоналари билан катнашиб, хорижлик ҳамкасблар билан ўзаро тажриба алмашдилар. Хоразмдан кандакор уста Соттимбой Қосимов, Бухородан уста Салимжон Ҳамидовлар сулоласи, Тошкент шахридан устазода Мадалиевлар сулоласи, Фарғонадан уста Ғофуржон Зокировларнинг мисгарлик буюмлари ҳам хорижлик санъат ихлосмандлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Айниқса, Қўқонлик мисгар усталар Рустамбек ва Авазбек Улуғбековлар, Хусанжон Қосимов, устазода Фозилжон Обидов анъана давомчилари бўлган ўғиллари Фарход ва Фарух Обидовларнинг ҳам гўзал мисгарлик буюмлари, ажойиб ва бетакрор амалий санъат асарлари Фестивалда қатаншган барчани лол қолдирди десак муболаға бўлмаса керак.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Бутунжаҳон Ҳунармандлар Уюшмасининг вице-президенти Роза Гринлис томонидан Қўқон шахрига “Бутун дунё хунармандлар шахри” номи берилиши таклифининг ўзи ушбу фестивалда иштирок этган усталарнинг санъатига берилган юқори баҳо бўлиши билан биргаликда фестивал юқори даражада ташкил қилинганлиги ва ўтказилганлигини эътирофи саналади. Бутунжаҳон Ҳунармандлар Уюшмаси вице-президентининг ушбу таклифи мухтарам Президентимиз Ш. М. Миризёев томонидан мамнуният билан маъқулланди ва барча давлатлардан ташриф буюрган амалий санъатнинг етук намоёндалари томонидан ҳам хурсандчилик билан қўллаб-қувватланди ва икки йилда бир маротаба ушбу фестивал Қўқон шахрида анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди. Қўқон шахри Ҳунармандлар шахри дея ном олди.

Халқаро Ҳунармандлар фестивали яқунланганидан кейин Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2019 йил 28 ноябр куни “ Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб - қувалаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу ислохотларни амалга оширар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миромонович ёшларга катта ишонч билдирдилар. Шунинг учун ҳам биз, ёшлар ўз билим, кўникма ва малакаларимизни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига бағишлашимиз зарур. Бунинг учун эса олий ўқув юртларида олган билимларимиз асосида асрлар оша бизгача етиб келган халқ хунармандчилиги анъаналарини янада ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Халқ усталарининг авлодан-авлодга ўтиб келаётган қадимий анъаналарини келажак авлодга етказиб бериш ва янада бойитишдаги гўзал, бетакрор янгидан янги амалий санъат асарлари яратишига бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб боришимиз керак. Шунингдек, усталар қўлида сайқал топган санъат асарларини ўсиб келаётган ўқувчи-ёшларга етказишга боғлиқ илмий тадқиқот ишлари билан ушбу соҳани янада ривожлантиришга биз ёшлар масъулмиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, магистрлик диссертация ишини қадим-қадимдан ўзбек халқининг кундалик турмуш тарзида кенг қўлланилиб келинаётган Ўзбекистон мисгарлик санъатига, хусусан уни бой меросини жаҳонга танитишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ва ўзига хос мактаб яратган Қўқон мисгарлик санъати усталари ижодига бағишлаймиз. Қўқонда мисгарлик санъатининг қадимий устоз-шогирд мактабини яратган етук вакилларнинг ўзига хос томонларини тадқиқ қилиш асосида ўқув қўлланма яратишга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқот объекти ва предмети:

Магистрлик диссертациямизнинг объекти – Қўқон шаҳаридаги Фарғона шаҳар бўлимига қарашли “Хунармандлар уюшмаси”нинг мисгарлик соҳасидаги усталар яратётган асарлари, Қўқон кандакорлик санъати ва унинг пайдо бўлиши тарихи, асрлардан - асрларга ўтиб келаётган анъанавий устоз-шогирд мактаби, машҳур уста-мисгарларнинг тажрибалари ва уларни бугунги кундаги аҳамияти, замонавий мактаб яратган машҳур уста-мисгарлар ижоди, кандакорлик санъати билан мисгарлик санъатининг ўзига хос томонларини қилинган таҳлили.

Қўқонда мисгарлик санъатини ривожланишига ижобий ва салбий таъсир этган тарихий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар, мисгарликни илк пайдо бўлган вақтдан бошлаб ҳозирга қадар босиб ўтган тарихий жараённи ўзида акс эттирган адабиётлар, илмий мақолалар, илмий тадқиқот ишлари, давлат ҳужжатлари, газета, журнал материаллари, усталарнинг кундалик ва эсдаликлари тадқиқот предмети бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотни мақсади ва вазифалари:

Ўзбекистондаги барча мисгарлик мактаблари, ўзига хос услублари сингари Қўқон мисгарлик санъати мактаби ҳам қадимдан ривожланиб келганига қарамасдан, ҳозирга қадар ҳам у ҳақида бирорта ўқув ёки услубий қўлланма яратилмаган. Усталар сулоласи ва қадим-қадимдан авлодан-авлодга ўтиб келган мисга ишлов бериш технологияси ва уни ҳозирги даврдаги аҳамияти ҳақидаги илмий маълумотлар дарслик ва энциклопедияларга ҳам киритилмаган.

Замонавий Қўқон мисгарлик санъати ўзининг қадимий услуб ва миллий анъаналарини сақлабгина қолмасдан, балки унга замонавийлик бағш этгани билан ҳам ҳар қандай кишини ҳайратга солади ва қизиқишини ортишига сабаб бўлади. Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг шахсий ташаббуслари билан Қўқонда Ҳалқаро Ҳунарманчилик фестивалини ташкил қилиниши ва ўтказилиши ҳам шаҳримизда қадимдан ҳалқ амалий санъатига катта эътибор бериб келинганлигининг исботи ҳисобланади. Бухоро ва Самарқанд каби қадимий ва навқирон мисгарлик санъати мактаблари сингари Қўқон мактаби ҳам алоҳида тадқиқот олиб бориш талаб қилинадиган, ҳали ўрганилмаган мактаб саналади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қўқон мисгарлик санъати, мисга ишлов бериш технологияси, ўзига хос бадийий услуби, усталар сулоласи, мисгарликка оид атама ва иборалар ҳали ўрганилмаган тадқиқот объекти ҳисобланади ва ўз ечимини кутиб турган катта муаммолардан биридир.

Ушбу муаммоларни бартараф қилиш биз ёшларнинг зиммамизда деб ҳисоблаймиз ва магистрлик диссертациясини айнан Қўқон мисгарлик санъатига ва усталарнинг ижодий фаолиятига бағишлашни лозим топдик.

Бундан ташқари ўзбек туризмни ривожлантиришда, жумладан, Фарғона водийсига хорижлик сайёҳларни жалб этишда Қўқон мисгарлик санъатининг ўзига хослиги ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу мисгарлик санъатининг ўзига хослиги, унинг етакчи вакиллари, ишлаш технологиясини тўлиқ ўрганиш мақсад қилиб олинди.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Адабиётлардан Қўқон мисгарлик санъати, унинг ўзига хос жиҳатлари, ҳамда машхур усталари ҳақидаги илмий маълумотларни таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ривожланиб, сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб, ўзбек халқининг олтин мероси сифатида эъзозланиб келинаётган Қўқон мисгарлик санъатини янада чуқурроқ илмий таҳлил қилиш;
- Қўқон мисгарлик санъатининг бошқа мактабларга мос бўлмаган ўзига хос бадиий тили ва услубини ўрганиш;
- Уста-мисгарларнинг устоз-шогирд мактабини қадимий анъаналари ва халқ усталарининг педагогик меросини тадқиқ қилиш;
- Қўқон мисгарлик санъатидаги этник-маданий анъаналарни ўрганиш;
- Қўқон мисгарлик санъатининг ривожланиш босқичлари ва унинг етакчи вакиллари ҳақидаги илмий маълумотларни жаъмлаб келажак авлодга етказиш;
- Қўқон замонавий мисгарлик мактаби ва унда фаолият кўрсатаётган усталар ижодини ёритиб бериш;
- Уста-мисгарларнинг ижодига бағишлаб ташкил қилинган уй-музейларга ташриф буюриш ва уларнинг фаолиятини очиб бериш;
- Хорижда ташкил қилинган кўргазмалар ва уларда фаол иштирок этган Қўқонлик усталар ҳақидаги илмий маълумотларни ўрганиш;

- Хорижлик ҳамкорлар билан йўлга қўйилган ижодий ҳамкорлик ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;
- Магистрлик диссертацияси материаллари асосида хорижда ва юртимизда илмий мақола чоп қилиш.

Бажарилган магистрлик диссертация ишимизнинг илмий ва амалий аҳамияти яна шундан иборатки, бажарилган тадқиқот натижаларидан кундалик ҳаётимизда шунингдек, келажакдаги илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Илмий янгилиги:

Илмий манбаалардан, газета ва журнал материалларидан маълум бўлишича Қўқон мисгарлик санъати ва унинг ўзига хос услубини, машхур усталар ҳаёти ва ижоди ҳамда хорижий давлатлар билан ташкил қилинган ҳамкорлик алоқаларини ўрганишга бағишланган махсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги боис мавзу бўйича адабиётлар яратилмаган.

Ҳозирги кунга қадар чуқур илмий таҳлил қилинмаган Қўқон мисгарлик санъатининг қадимий устоз-шогирд анъанавий мактаби, Ўзбекистон амалий санъатида уни тутган ўрни, замонавий мисгарлик санъатининг ўзига хос томонлари ва унда фаолият кўрсатаётган машхур уста-мисгарлар фаолияти ҳамда ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида кандакорлик санъатининг тутган ўрнини магистрлик диссертациясида илмий тадқиқ этилиши, мавзу юзасидан тайёрланадиган илмий мақола, оммабоп рисола ҳамда таклиф ва фикр-мулоҳазалар тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Мисгарлик санъати тарихи, кандакорлик мактаблари ва уларнинг турларини ўрганиш. Қўқон мисгарлик ва кандакорлик мактабларининг бошқа мактаблардан ажралиб турадиган нозик тарафларини, асрлардан буён сақланиб, сайқалланиб келаётган миллий ҳунармандчиликнинг бир бўлаги ҳисобланган бу амалий санъат турининг устоз-шогирт мактабларини янада такомиллаштириш, ўрта таълим мактаблари, махсус ихтисослашган санъат мактаблари, академик литсейлар ва олий таълим йўналишларига тадбиқ этиш, келажакда мисгарлик ва кандакорлик йўналишидаги олий маълумотли педагог кадрлар етишиб

чиқиш масалаларини ёритиш, илмий хулоса қилиш тадқиқот олдига қўйилган асосий масала ва фаразлар ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабётлар шарҳи (таҳлили).

Мил. ав. 3 мингинчи йилларда Ўзбекистон ҳудудида мис ишлатила бошланган, тош қуролларнинг кўпи йўқола борган. Амударё ва Зарафшон этакларидан топилган мисдан ясалган мунчоқ, билакузук ва шу каби бошқа зеб-зийнат буюмлари бу даврда амалий безак санъати ривожланганлигини кўрсатади. [1; 10 б.].

Қуйма ҳайкаллар яратиш борасидаги ишлар жез (бронза)даврида юксакликка эришди.

Мисгарлик, кандакорлик (торевлика) ва металл қуйиш санъати ҳам бу даврда юксакликка эришган. Катта нақшли мис қозонлар, турли сатил ва шамдонлар Термизшоҳлар саройига ишланган бўртма тасвир шу даврда юксак бадиий буюм қуйиш санъатидан далолат беради. [1; 61 б.]. Бундан билишимиз мумкинки, мисгарлик санъатининг тарихи қадимги ибтидоий жамоа давридан бошланган. Бу даврда инсонлар мисдан кенг фойдалана олмаган, чунки мис мўрт бўлгани боис синишга моил бўлган.

Мисгарлик санъати халқ амалий санъат турларидан бири бўлиб, бу санъат турларини ўрганиш ва ёш авлодга етказиш мақсадида Ўзбекистоннинг кўплаб олимлари, Н.Абдуллаев, С.Булатов, А.Васиқов, проф. Р.Ҳасанов, Қ.Қосимов, Б.Қ.Холматов, К.М.Ғуломов, М.Б.Аҳмедов, М.К.Мирзахмедов, Ҳ.Эгамов, М.Набиев ва кўплаб бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борган ва унинг натижаларини ўқув қўлланмалар, дарсликлар ҳамда алоҳида адабиётлар кўринишида ёзиб қолдирганлар.

Биз тадқиқот давомида манашундй асарлардан, Д.А.Нозиловнинг “Ўрта Осиё дизайни тарихидан”. Т.: “Ўзбекистон”-1998, Ф. Абдухолиқов, К.Акилова в.б.ларнинг “Асрий анъаналар давомчилари”. Т.: “Тасвир” НУ, 2016, С.С.Булатовнинг “Ўзбекистон халқ амалий безак санъати”. Т.: “Меҳнат”, 1994 ва “Амалий санъат қисқача луғати”. Тошкент 1992 китобларини, К.М. Ғуломовнинг “Амалий санъат” 2008, “Ашёларга бадиий ишлов бериш” 2004, С.С. Булатовнинг “Ўзбекистон халқ амалий безак

санати” 1991, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 2000, Б.Қ.Холматовнинг “Композиция” 2007, кабиларни кўриб чиқдик.

Санъат нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларида ҳам турли йўналишларда, ўзига хос услубларда тарқалган. Биз чет ел ёзувчиларидан Е.В.Лебедева, Р.М.Черемныхнинг “Искусство художника-оформителя” 1981, Д.А.Фахретдинованинг “Декоративно-прикладное искусства Узбекистана XVIII-XIX веков” 2000, Б.Сергеевнинг “Ўзбекистонда мисгарлик”. Т.: 1960. Т.Абауллаев, А.Фахриддинова, А. Хакимовларнинг “Песни в металле” ва журнал “Наука и жизнь” 1998, Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали “Санъат/Арт/Искусство” 2004-2015 кабиларни ўрганиб илмий таҳлил қилдик. Таҳлилимиз натижасидан билдикки, бу адабиётлардаги маълумотлар деярли бир-бирига ўхшаш бўлиб, мисгарлик ва кандакорлик юзасидан умумий фикрлар билдирилган. Кўкон мисгарлик санъати, усталари, хонликлар даврида мавжуд бўлган 400дан ортиқ мисгарлик устахоналари ва уларда иш олиб борган мисгарлар, рихтагорлар ва кандакорлар ҳақида деярли маълумот йўқ десак адашмаймиз.

Ишнинг ўрганганлик даражаси. Маълумки, инсоният санъати, маданияти ва турмуш тарзининг ўзига хос тарихини ўрганишда археологик топилмаларнинг ўрни бекиёсдир. Археолог олимларнинг тадқиқотлари, илмий изланишлари натижасида одамзоднинг турмуш тарзида миснинг тугган ўрни ва аҳамиятига янгиликлар ҳамда аниқликлар киритиб келинмоқда. Ўтмишни аниқ далиллар асосида бизларга етказишда, М. В. Воеводский, А. А. Формозов, П. М. Эфименко, А. Я. Брюсов, М. Э. Фосс, Н. Н. Гурина, А. П. Окладников, Т. С. Пассек, С. В. Киселев ва Сев, В. А. Куфтин, Э. И. Крупнов, А. А. Жессен каби архелог – олимларнинг меҳнати эътирофга лойиқ. Уларнинг шарофати билан мис буюмларнинг кишилик жамияти ҳаётидаги ўрнини билишимиз мумкин.

Мисгарлик санъати ўзининг бадиий - эстетик қиймати ва ташқи кўринишининг жозибадорлиги билан амалий санъат дурдоналари ичида ўзига хос ўрин эгаллайди. Амалий санъатнинг таркибий қисми, жаҳон санъатининг бебаҳо дурдонаси бўлган мисгарлик ва кандакорлик санъати

кадимдан санъатшунослар, олимлар, ахеологлар, халқ усталари томонидан катта қизиш билан ўрганиб келинган.

Турли хил китоблар яратилган. Олий таълим муассасалари талабаларидан фақат биргина Бухоро Давлат Университети, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси талабаси, А. Мусинов битрув малакавий иши доирасида атрофлича ўрганган.

Бироқ, Қўқон кандакорлиги ҳақида гап кетганида унинг ўрганилганлик даражасини қониқарли даражада деб бўлмайди. Чунки, жуда кўплаб илмий манбааларда Ўзбекистон кандакорлик санъати марказлари деб Фарғона, Бухоро, Хоразм, Тошкент каби кандакорлик мактаблари ёдга олинади. Аммо, Қўқон кандакорлик санъатининг ўзига хос томонлари ва унинг етакчи вакиллари ҳақида эса икки-уч нафар олимларимизнинг газета ва журналлардаги илмий мақоллаларини кўрамиз ҳалос. Гарчанд хонликлар даврида Қўқонда 400 дан ортиқ мисгарлику стахоналари фаолият кўрсатган бўлсада, мисгар усталар ҳикоясидан тинглаш ёки эсталикларидан ўқиш мумкин, бирор – бир адабиётда эса келтирилмаган. Қўқон мисгарлик санъатига оид манбаалар жуда ҳам кам. Электрон манбаалар ва электрон китоблар умуман йўқ десак ҳато бўлмайди.

Топиладиган маълумотлар эса аксарияти маҳаллий матбуот материаллари: газета ва журналлардан иборат бўлиб, дарслик ва ўқув қўлланмаларда жуда ҳам кам маълумот учратамиз. Қўқон кандакорлик санъати, унда ташкил қилинган услуб ва бадиий ифода тилини яхши ўрганиш учун кўплаб тадқиқот ишларини олиб бориш талаб қилинади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: тадқиқотни амалга оширишда тарихийлик, замонавийлик, холислик, қиёсийлик, мантиқий таҳлил, амалий иш бажариш каби усуллардан фойдаланилди.

Ишнинг амалий аҳамияти:

Бажарилган магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундаки, бажарилган тақиқот натижаларидан, методларидан санъатга ихтисослашган лицейларда, ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшлар ҳамда олий таълим тизимидаги талабалар амалий санъат сирларини

эгаллашларида фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари таълим тизимида, амалий санъат фанини ўқитишда фойдаланиладиган ўқув ва услубий қўлланма ва дарсликларга Қўқон мисгарлик санъати ҳақидаги илмий маълумотлар янгилик сифатида киритилиши ишимизнинг амалий аҳамиятини билдиради .

Қўқон мисгарлик санъати ва уни тарихи, ривожланиш босқичлари, машхур уста-мисгарлар фаолиятини ўрганишга оид кўплаб илмий маълумотлар илк тадқиқот иши сифатида мазкур магистрлик диссертациясида бир тизимга солиб, тадқиқ этилганлиги ҳам тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилайди. Шунингдек, ушбу магистрлик диссертациясидан ёш мисгарлар, олий ўқув юртларининг талабалари, ихтисослашган махсус мактаблар, ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ишнинг структураси:

Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, иловалар, фойдаланган адабиётлардан ҳамда ижодий ишдан ташкил топган. Кириш қисмида Тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ишнинг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг амалий аҳамияти, ишнинг структураси баён этилади. Магистрлик диссертациясининг ҳар бир боби учта бўлимдан ташкил топган бўлиб, улар тегишли бобларнинг асосий мазмунини ўзида акс эттиради. Хулоса қисмида эса магистрлик диссертацияси юзасидан олиб борилган тадқиқот бўйича асосий таклиф ва фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Ишнинг натижалари бўйича мақолалар чоп этиш;

Диссертация мавзуси бўйича бажарилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили бўйича республика миқёсидаги конференцияда тезислар, илмий тўпламларда мақолалар чоп этилди. Жумладан, илмий раҳбар доцент Б. Жаббаров билан ҳаммуаллифликда “Мисгарлик санъати: кеча ва бугун.” (Таълим ва технология. Илмий-услубий мақолалар тўплами. Т.; 2019) ва “Мохир мисгар

уста ижодида миллийлик” (Таълим ва технология. Илмий-услубий мақолалар тўплами. IV қисм. Т.; 2020.) мавзусида мақолалари эълон қилинди.

Диссертация тузилиши ва ҳажми.

Диссертация - бетда баён этилган бўлиб, кириш қисми, учта боб, хулосалар, - **номдаги** фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган.

Биринчи боб - “Металлар ҳақида умумий маълумот” да мисгарлик санъатига оид ўзбек ва хорижий адабиётлар шарҳи, олиб борилаётган тадқиқотнинг материаллари ҳамда металлар ва уларнинг қотишмалари, термик хоссалари баён қилинган.

Иккинчи боб – “Бадий амалий санъатда нодир металлардан фойдаланиш”. Бу бобда қора ва рангли металлар ҳақида маълумот, Қўқон мисгарлик санъатининг ўзига хос томонлари, кандакорлик сир-асрорлари ёритилган.

Учунчи боб - “Қўқон мисгарлик санъати ва уни давом эттирилиши”- деб номланиб, унда Қўқон кандакор устаси Лутфулло Фозиловнинг шогиртлари ва Ёрқинжон Ахмадалиевнинг “Иқтидор марказида” ги фаолияти ҳақида маълумотлар ёритиб берилган.

Магистрлик Диссертациясининг **хулоса** қисмида бажарилган ишлар натижалари умумлаштирилиб, мавзу бўйича тавсия ва таклифлар келтирилган.

I. боб. Металлар ҳақида умумий маълумот.

1.1. Адабиётлар шарҳи ва тадқиқотнинг материаллари.

Мисгарлик санъатининг инсоният тарихи, ривожланиш босқичлари билан чамбарчас боғлиқлиги азал-азалдан археологлар, санъатшунос олимларни қизиқишини ортттириб келган. Чунки, мисгарлик санъати, уни тарихини ўрганиш инсонларни кундалик турмуш тарзини, яшаш шароитини, урф-одатларини, қарашларини аниқлашга катта ёрдам беради.

Неолит даврининг охирида одамлар мисдан фойдаланишга, ундан меҳнат қуроллари ясашга ўтишди. Мисдан ясалган меҳнат қуролларининг тош қуроллар билан биргаликда ишлатилиш даври энеолит – мис-тош асри деб аталади. Бу давр мил. авв. 4 – 3- минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади.

Одамлар мисни эритиб, қалай, қўрғошин ёки рух билан қўшиб, бронза олишни ўрганганлар. Бронза мисдан кўра анча қаттиқлиги туфайли мил. ав. 3-минг йиллик ўрталаридан бошлаб аста-секин меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар ва зеб-зийнатлар тайёрлашда ишлатилувчи асосий ашёга айланиб қолди. [2; 22 б.]

Мил. ав. уч мингинчи йилларда Ўзбекистон ҳудудида мис ишлатила бошланган, тош қуролларнинг кўпи йўқола борган. Амударё ва Зарафшон этакларидан топилган мисдан ясалган мунчоқ, билакузук ва шу каби бошқа зеб-зийнат буюмлари бу даврда амалий безак санъати ривожланганлигини кўрсатади. [1; 10.б.].

Юқоридаги бу икки манбадан билишимиз мумкинки, мис инсонларнинг дастлабки ўсиш, ақлий ривожланиш босқичида ҳам катта аҳмиятга эга бўлган. Бизнинг ота – боболаримиз мис буюмларни олтинга тенг ҳисоблашган, шу боис бундай буюмлар бойлар хонадонида, хон саройларида кўп ишлатилган. Хон саройлари дейилганда, Ўрта Осиёнинг мухташам Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларини эслайди киши.

Қўқон хонлиги Ўрта Осиёнинг энг йирик, қудратли давлати бўлиб, бу жойда санъат ва маъданиятга алоҳида эътибор қаратилган. Энг махоратли хунармандлар, шира овозли хонандалар, зўр аскиячилар, қалами ўткир шоир

ва ёзувчилар Қўқон хонлигининг қалқони бўлган дейиш мумкин. Шу боисдан ҳам “Юрт бошқарувчилар” Ленинградда туриб Қўқон тинчми, деб билишиб сўнг бошқа иш билан шуғулланишган.

XIX аср охирларига қадар Қўқон хонлиги ҳозирги Фарғона водийси, Тошкент шаҳри ва вилояти, Қирғизистоннинг барча вилоятлари, Тожикистоннинг Конибодом, Ленинобод, Қозоғистоннинг Жамбул, Чимкент вилоятлари, Туркистон шаҳри ҳамда Хитойнинг Қашқаригача бўлган улкан сарҳадни эгаллаган.

XVIII — XX асрларда кандакорлик яхши ривожланган бўлиб, Бухоро, Қўқон, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши ҳамда Тошкент шаҳарлари кандакорлик буюмлари чиқариладиган марказлар бўлган. Бойлар хонадонлари нақш туширилган мис идишлар билан безатилган. Улар хонадон соҳибининг давлатмандлигини намойиш қилиб турган. [3; 272.б.].

Манбааларда мана шу каби Қўқон мис буюмлари, Қўқон кандакорлик мактаблари деб ёзиб ўтилган-у лекин, алоҳида кенг кўламли ҳолда мис идишлари қандай кўринишда бўлганлиги, нақшлари қандай туширилгани, усталари кимлар эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот ёзилмаган. Бундан ҳам аянчлиси, бугунги компьютер ривожланган замонда қўқон мисгарлиги ва кандакорлиги ҳақида умуман бир парча изох ҳам тополмайсан киши.

Ҳатто мисгарлик ва кандакорлик атамаларининг ўзаро фарқи ҳақида деярли жуда кўпчилик аниқ бир жавоб беришга жазм қилмайди. Уларни кимдир умуман бошқа-бошқа нарсалар деса, яна бировлар эса уларни битта ҳисоблайди.

Мисгар, кандакор, рихтагар каби мисгарлик санъатининг ўзига хос атамалари бор ва уларни фарқи, ўхшашлик томонлари ҳақида адабиётларда қуйидаги маълумотларни олишимиз мумкин.

Мисгарлик деганда, мисдан қуроллар, уй – рўзгор буюмлари ва бошқа жихозлар ясаш касбини тушунамиз. [3; 272 б.].

Кандакорлик деганда, металлдан ясалган бадиий буюмларга ўйиб ёки бўртиқ қилиб нақш ишлаш тушунилади. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Ўрта Осиё мраммаларида металлдан ясалган бадиий буюмлар ишлаб

чиқариш қадимдан ривожланиб келаётган санъат бўлиб, бу санъат ўзининг қадимийлиги билан кулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. [3; 270 б.]

Кандакорлик санъати XVI -XIX-асрларда темурийлар даври санъатига хос услубда ривожланди. Халқ амалий санъати билан бойитилиб, янги, ўзига хос мактаблар ва йўналишлар касб этди. Кандакорлик ишлари бажарилган мис буюмлари кенг истемолга киради. [4; 71 б.].

Кандакорлик – амалий санъат тури; ўймакорликнинг металл буюмларни ўйиб, чизиб нақш ишлаш соҳаси. [5; 101б.].

Металлдан буюмлари яшаш ва безашда буюм уч хил мутахасиснинг қўлидан ўтади. Қизил, сариқ мисдан, жездан буюмлар ва идишларни яшаш ҳамда шу буюмларининг ички ва ташқи юзаларини қалайлаш ишларини мисгар уста бажаради. Умумий қилиб айтганда, мисгар буюмларни барча яхлит қисимларини тайёрлайди. (бўлакланган ҳолатда.)(1.1-расм).



1.1-расм. Мисгар уста.

Кандакор уста буюмларга безак беради. Мисгар тайёрлаган буюм бўлакларининг ичини мато, қум ёки албастер аралашмалари ёрдамида тўлдиради ва мис бўлаклари билан ёпиб, устини нақшлар билан безайди. (1.2-расм).



1.2-расм. Кандакор уста

Рихтагор уста тайёр бўлган мис буюмларининг айрим қисимларини, дастаси, қопқоғи, қопқоғининг қуббаси, жўмрак учини, тумшуғи каби қисимларини қуйма усулда тайёрлаб, бирлаштиради.(1.3-расм).



1.3-расм. Рихтагарлик жараёни

Қадимда бу уч ихтисослик, яъни мисгарлик, рехтагарлик ва кандакорлик ишларини алоҳида-алоҳида мутахассис бажарган. Асрлар ўтиши билан инсон онги, тафаккури баробарида ҳар учала ҳунар шаклланди ва улар тақоминлашиб алоҳида-алоҳида ҳунар сифатида ажралиб чиқди. Бу учала ҳунар тури бир - бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ бўлиб, уч ҳунарманд ишининг бирикишидан яхлит бир асар дунёга келади.

Бундай маълумотларни яна қуйидаги адабиётларда қўришимиз мумкин:

“Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати” Ўзбекстон миллий энциклопедияси 2-том. Давлат илмий нашриёти. Т.: 2017. Ушбу китобда маълумотлар алфавит бўйлаб берилган бўлиб, мисгарликка тегишли маълумотлар “Қ”, ва “Х” ҳарфларида келтирилган ҳамда қадимги мис буюмларининг тасвирлари берилган.

Констикин Иванович Рождествинский. “Народный художественный промыслы СССР. Албом” Москва. 1979. Бу китоб фотоальбом шаклида бўлиб, барча давлатларнинг амалий санъатга тегишли расмлари келтирилган. Мисгарлик ҳамда кандакорлик асосланган суратлар 42-45, 222-223, 231, 254-255, 278-279, 323, 337-бетларда берилган.

С.С.Булатов, М.С.Пўлатова. “Ўзбекистон халқ амалий безак санъати энциклопедияси”. Т.: “Фан ва технология”, 2014. 101-104-бетлар. Энциклопедиянинг 101- бетида кандакорлик ҳақида ёзма маълумот берилган, қолган 3 та бетида қадимий мис буюмлар тасвири туширилган.

Д.А.Нозилов. “Ўрта Осиё дизайни тарихидан”. Т.: “Ўзбекистон”-1998. 70-98 бетлар. Нозиловнинг бу асарида кандакорлик ва мисгарлик санъатининг темурийлар давридаги ўсиш, ривожланиш босқичларини, ўзига хос мактабларнинг йўналишини ўрганиш мумкин.

Ф. Абдухолиқов, К. Акилова в.б. “Асрий анъаналар давомчилари”. Т.: “Тасвир” НУ, 2016. Ушбу асар юртимизнинг бугунги кунда ҳам хунармандчилик ананаларини ривожлантириб келаётган халқ усталари ва уларнинг ишлари ёритилган бўлиб, Қўқонлик мисгар ва кандакор усталар киритилмаган.

С.С.Булатов. “Ўзбекистон халқ амалий безак санъати”. Т.: “Меҳнат”, 1991. Доимий равишда амалий санъатнинг барча қирраларини ўрганиб, қоғозга тушириб, ёш авлодга етказиб келётган Саидакбар Булатов бу китобининг 269-бетидан 282-бетигача кандакорлик ва мисгарлик санъати ҳақида маълумот берган. Аммо Қўқон кандакорлик мактаблари ёритилмаган.

С.С.Булатов. “Амалий санъат қисқача луғати”. Тошкент 1992. Китоб ўз номидан маълумки, бунда бериладиган маълумотлар ҳарфлар кетма – кетлигида келтирилган.

Б.Сергеев. “Ўзбекистонда мисгарлик”. Т.: 1960. Сергеевнинг бу китобини мамлакатимизнинг мисгарлик соҳасид ёритилган биринчи китоб десак муболаға бўлмайди. Чунки ўрганилганадабиётларга назар ташласак, асл негизи шу китобга етаклайди.

Т.Абауллаев, А.Фахриддинова, А. Хакимов. “Песни в металле” Т.: 1986. Маданга битилган қўшиқ асарини чинакам мисгарлик ва кандакорлик сирлари соф ёритилган китоб дейиш мумкин. Чунки асарда муаллифлар мисгарликнинг тарихидан бошлаб, мактабларигача ёзишган. китобнинг 17...27 бетларида Қўқон кандаколик мактаби ҳақида маълумотлар баён этилган, бироқ Қўқон мисгарлик ва кандакорлик санъатининг бугунги кундаги давомчилари келтирилмаган.

Адабиётларни таҳлил қилишда маълум бўлдики, мис буюмлардан фойдаланиш темир, кумуш, чинни ёки шу каби бошқа буюмларга нисбатан инсон саломатлиги учун фойдали ҳисобланади.

Юқорида ўрганилган бу манбаалардан билишимиз мумкинки, мисгарлик соҳасини янаям чуқурроқ илмий ўрганиш, инсонларга унинг фойдали хусусиятлари ҳақида ёзма маълумотларни яратиш ва Қўқон мисгарлиги ўғрисида рисоалар тайёрлаш фойдадан ҳоли бўлмайди.

1.2. Металлар ва уларнинг қотишмаларини хоссалари.

Металлар матариалларнинг хусусиятлари, аввало, уларнинг ўзига хос ялтироқлигидадир. Металлар мана шу ялтироқлиги билан бошқа жисмлардан ажралиб туради. Металлар электр токини ва иссиқликни яхши ўтказди, солиштира оғирлиги бошқа моддаларга қараганда анча катта. Айрим металлар эса жуда пухта, эгулувчан ва қаттиқ бўлади.

Металлар соф ҳолида кам ишлатилади, чунки уларнинг хусусиятлари буюмлар тайёрлаш талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам, кўпинча, металларнинг қотишмалари ишлатилади.

Темир билан углерод қотишмаси қора металллар деб аталади. Қора металллар қотишмасида кремний, фосфор, олтингугурт ва шу каби бошқа элементлар ҳам бўлади. Металллар ва уларнинг қотишмаларини ишлатилишига қараб, турлича талаблар қўйилади. Масалан, кесувчи асбоблар пухта, қаттиқ ва синмайдиган металллардан тайёрланади.

Электр симлари токни яхши ўтказадиган металллардан, киздириш, электр асбобларининг элементлари эса токка катта қаршилик кўрсатадиган металллардан ясалади.

Металллар ва улар қотишмаларининг физик, механик, кимёвий ва технологик хоссалари бор. Металлларнинг **физик хоссаларига** уларнинг зичлиги, ранги, суюқланиши, даражаси, электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги, иссиқлик бериш қобилияти, қизиганда кенгайиши, магнитланиши ва шу каби бошқа хоссалари киради.

Металлларнинг ранги

Металллар шаффоф бўлмайди, жуда юпқа металл қатламлари ҳам ёруғлик нурини ўтказмайди. Бироқ улар нурларни қайтаради. Хар бир металл ўзига тушган ёруғлик нурини оз ёки кўп қайтаришига қараб турли хилда ялтиради. Мисол учун, рух кулранг, мис қизғиш, қалай оқиш рангда бўлади. Пўлатни 2200 даражадан 3300 даражагача қиздирганда унинг сирти сариқ, кўк, бинафша ва шу каби бошқа рангларда товланади.

Зичлик.

Металлларнинг зичлиги турларга бўлинади. Зичликнинг сон қиймати солиштирма оғирликка, яъни модданинг ҳажми бирлигидаги оғирлигига тўғри келади. Зичликни аниқлашдан аввал модданинг солиштирма оғирлиги аниқланади. Бунинг учун металлнинг наъмунасини тарозида аниқ тортиб, граммларда ифодаланган оғирлиги **П** аниқланади. Кейин эса унинг **см³** да ифодаланган **В** ҳажми аниқланади. Солиштирма оғирлик қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$\text{П}=\text{П}/\text{В кг/см}^3$$

Металллар ва улар қотишмаларининг кенгайиш коэффициентлари деталларнинг ишлаш вақтида қизишини ҳисобга олишда керак бўлади.

Металлар ва уларнинг қотишмалари қиздирилганда кенгаяди. L узунликдаги металл қиздирилганда уни узунлигини ортиши қуйидаги формуладан топилади.

$$\Delta L = \Psi * L \Delta t_m * \text{даража}$$

Бу ерда ;

ΔL - металл узунлигини ортиши;

Ψ -терморсионаллик коэффициенти

L -қиздирилгандан олдинги узунлиги

Δt -даражанинг ортиши, $^{\circ}\text{C}$ ҳисобига

α -чизикли кенгайиш коэффициенти бўлиб, агар унинг ҳажми кенгайиш коэффициенти билан бошланишини кўрадиган бўлсак, у ҳолда металлар ва уларнинг қотишмаларининг электр ўтказувчанлиги ҳар хил бўлади. Электр токига энг кам қаршилик кўрсатадиган металлар электрни жуда яхши ўтказди.

Электр қаршиликнинг ўлчов бирлиги **Ом** деб қабул қилинган. Турли металл ва уларни қотишмаларининг электр қаршилиги уларнинг солиштирма электрик қаршилик қиймати, яъни ҳар бир металл ёки қотишмадан тайёрланган, кўндаланг кесим юзаси 1 мм^2 узунлиги 1 м бўлган симнинг токка кўрсатадиган қаршилигига қараб таққосланади. Масалан, темирнинг солиштирма қаршилиги $0,092 \text{ ом}$, алюминийники $0,027 \text{ ом}$, мисники $0,017 \text{ ом}$ ва ҳоказо¹.

Металл ва қотишмаларнинг механик хоссалари

Машина деталларига ёки конструкция элементларига турли нурлар таъсир этади. Масалан, буровчи кучлар, двигател матёрларини сиқувчи кучлар, транспорт воситаларининг тиркаламаларига эса чўзувчи кучлар таъсир этади. Бинобарин, конструкция элементлари ана шу кучларга бардош берадиган материаллардан ясалиши керак.

Конструкция элементларига ташқи кучлар статик ва динамик тарзда таъсир этади. Металлар ва улар қотишмаларининг ташқи кучлар таъсирига қаршилик кўрсатиш хусусияти уларнинг **механик хоссаси** деб аталади.

¹ Рамизов. Ж. “Ўқув устахоналарида амалий ашгулотлар”. Т.: Ўқитувчи. 1990.

Механик хоссаларга мустаҳкамлик, эластиклик, пластиклик, қаттиқлик, зарбий қайишқоқлик киради. Металлар ва улар қотишмаларининг бу хоссалари махсус асбоб ва машиналар ёрдамида синаб кўрилади.

Металл ва улар қотишмаларининг технологик хоссалари

Ўқув устахоналарида ўтказиладиган сисарлик ва токарлик амалий машғулотларида талабаларга металл ва улар қотишмаларини турли хил усул билан ишлаш ўргатилади. Буюмлар тайёрлашда металл ва улар қотишмаларини танлашда технологик хоссаларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Технологик хоссаларга уларни кесиб ишлатилиши, боғланиши, пайвандланиши, тўвланувчанлиги ва шу каби бошқа хоссалар киради.

Металларни кесиб ишланиш хоссаси кесиб ишланиши тезлигига, кесиш кучига ва ишланган юзанинг тозаллигига қараб аниқланади. Ҳар бир металл ёки қотишмани ишлашдаги кесиш тезлиги ва кучи пўлатнинг маркасига боғлиқ.

Металл ва улар қотишмаларининг технологик хоссасини аниқлаш учун технологик синовлар ўтказилади. Бу синовлар металлнинг турли усулларда ишлашга яроқлилигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Мисол учун, оддий уй шароитида металлнинг қаттиқлигини болға, эгов ёрдамида ҳам тахминан аниқлаш мумкин.

Технологик синовларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1). Пластик металллар эгиловчанлиги синалади. Бу синов металлнинг дарз кетмасдан ёки синмасдан қанчалик букуловчанлигини аниқлашга имкон беради.
- 2). Совуқлайин чўктиришга синалади, бу синов парчин мих тайёрланадиган металллар учун қўлланилади.
- 3). Пўлатнинг чарх тош билан чархланганда чиқадиган учқуннинг ранги ва шаклига қараб пўлатнинг кимёвий таркиби тахминан аниқланади.

1.3. Металлар ва уларнинг қотишмаларини термик ишлаш.

Металлар ва уларнинг қотишмаларини қиздириб, сўнгра тез ёки секин совутиш йўли билан уларнинг хоссаларини ўзгартириш термик ишлаш

деб аталади. Термик ишлашнинг қуйидаги асосий турлари бор: юмшатиш, нормаллаш, товлаш ва бўшатиш.

Юмшатиш. Пўлатни муайян даражада қиздириш ва шу даражада маълум вақт сақлаш, сўнгра секин совитиш юмшатиш деб аталади. Юмшатиш натижасида пўлатга илгари совиш натижасида пайдо бўлган ички кучланиш йўқолади, пўлатнинг қаттиқлиги камаяди. Юмшатиш яна шунинг учун зарурки, пўлат буюмларни қуйиш, прокатка қилиш ва болғалаш жараёнида уларнинг сирти тезроқ, ичи эса секинроқ совиб, унинг сирти кесиш йўли билан ишлаб бўлмайдиган даражада қаттиқ бўлади.

Нормаллаш. Юмшатиш даражасигача қиздириш ва очик ҳавода совитишдан иборат бўлган термик ишлов нормаллаш деб аталади. Нормаллаш пўлатнинг вазифасига қараб турли мақсадларда фойдаланилади. Масалан, юмшатиш йўли билан майда донатор қилинган конструкцион пўлатга нисбатан худди шундай ишлайди. Нормалланган пўлатнинг мустахкамлиги қаттиқроқ бўлади. Демак, пўлатни янада мустахкам ва қаттиқроқ бўлиши талаб қилинганда нормаллаштирилади.

Пўлатларни нормаллаш учун У10 маркали пўлат 7300 гача, У12 9000 гача, У13 эса 9500 гача қиздирилади.

Товлаш деб, пўлат буюмларини 8000 С даражасигача қиздириб, маълум вақт қизиган ҳолда сақлаб, сўнгра уни тез совитиш жараёнига айтилади. Пўлатлар вазифасига қараб турли мақсадларда товланади. Масалан, конструкцион пўлатлар мустахкам бўлиши учун, асбобсозлик пўлатлари эса қаттиқ, яъни ўткир ва ёйилмайдиган бўлиши учун товланади.

Товлаш пўлатнинг пластиклигини, қайишқоқлигини пасайтиради. Бундан ташқари тез совитиш натижасида пўлатда зарарли ички кучланишлар пайдо бўлади. Шунинг учун товлаш билан термик ишлаш тугалланмайди, яъни товланган буюмларни тўғридан-тўғри ўз вазифасида ишлатиб бўлмайди. Буюмлар товланишдан кейинги бўшатиш деб аталадиган термик ишловдан кейингина зарур хоссаларга эга бўлади. Товлаш натижалари қиздириш тезлигига, буюмни товлаш даражасигача қиздириш вақтига,

совитш тезлигига боғлиқ. Қиздириш вақти қиздириш печининг турига ва буюмнинг қаттиқлигига боғлиқ.

Бўшатиш. Товланган металлларнинг мўртлигини камайтириш учун бўшатилади. Бўшатишда буюмни товлаш ҳароратидан пастроқ даражагача қиздириб, ундан кейин совитилади. Бўшатиш амалда паст, ўртача ва юқори ҳароратда олиб борилади.²

I. боб бўйича хулоса.

Металлар ҳақида умумий маълумотлар берилган ушбу бобда, тадқиқот мавзуси учун еғилган адабиётлар ўрганилиб, таҳлил қилинди. Адабиётларни таҳлил қилганимизда шу хулосага келдикки, мисгарлик соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаганлиги, тадқиқот мавзумиз юзасидан адабиётларнинг йўқлиги, бор адабиётларнинг тахрир йиллари анча эски бўлиб, уларнинг ичидаги маълумотлар бир-бирига жуда ўхшаш.

Қадимги мис тош даври энолит деб аталган. Энолит лотинча “ мис, мисли ва юн, - тош” маъноларини англатади. Неолит даврининг охирида одамлар мисдан фойдаланишга, ундан меҳнат қуроллари ясашга ўтишди. Мисдан ясалган меҳнат қуролларининг тош қуроллар билан биргаликда ишлатиш даври энолит – мис – тош асри деб аталади. Бу давр мил. авв. 4 – 3-аср минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади.³ Бу даврда инсонлар мисдан илк бор фойдалана бошлашган. Улар дастлаб, хайвон суяклари, тош, ёғоч ёрдамида ўзларига керакли меҳнат қуроллари, ошхона буюмлари каби анжомларни ясаб фойдаланишган.

Яна бу бобда, умумий тарзда металллар ҳақидаги маълумотлар ўрганилиб, мис металлининг бошқа металллардан инсоният учун фойдалилиги ўрганилди. Инсонлар ҳаёт тарзининг бир бўлагига айланиб қолган металлларнинг хоссалари ва термик ишлаши ҳақида маълумотлар ёритилди.

² Рамизов. Ж. “Ўқув устахоналарида амалий ашғулотлар”. Т.: Ўқитувчи. 1990. 288 б.

³ Сагдуллаев А. С, Костетский В. А. “Тарих. Қадимги дунё” (6-синф дарслиги). Т.: 2017.

2. боб. Бадий амалий санъатда нодир металллардан фойдаланиш.

2.1. Қора ва рангли металллар ҳақида техник маълумотлар.

Кундалик турмушимизда ишлаб чиқариладиган ва уй - рўзгор буюмларининг аксариятини, деярли кўпчилигини металл ташкил қилади. Металллар **рангли** ва **қора** металлларга бўлинади.

Қора металлларга чўян ва пўлат киради. Улар темир ва углероднинг қотишмасидан иборат бўлади. Соф темирдан кам фойдаланилади. Темир ва углероднинг қотишмаларида углерод миқдори 1,7% дан кам бўлса пўлат, 1,7% дан кўп бўлса чўян ҳисобланади.

Қора металлларнинг асосий таркибий қисмини темир ташкил қилади. Қора металллар машинасозликда энг кўп қўлланиладиган арзон материалдир. Қора металл материали қотишмаларидан чўян ва пўлат олинади.

Чўян – деб таркибида темир билан 1,7% дан ортиқ углерод, кремний, магний, фосфор, олтингугурт бўлган металл қотишмасига айтилади. Чўян куймачилик материали бўлиб, у печларда темир, темир рудаларидан эритиб олинади. Чўян ишлаб чиқаришда темир рудалари кокс ва флюслар ёрдамида эритиш ва кераксиз моддаларни ажратиб чиқаришни осонлаштиради. Чўян кулранг, оч ва болғаланувчи турларга ажралади.

Кулранг чўянни синдириб қаралса, унинг тўқ кулранг тусли экани яққол кўринади. Кулранг чўянни яхши кесиб ишлатиш мумкин. Бу тусдаги чўян жуда мўртлиги учун уни пайванд қилиб бўлмайди ва ундан уриладиган, чўзиладиган, эгиладиган деталлар тайёрлаш мумкин эмас.

Пўлат - деб темир билан углероднинг турли қотишмаларига айтилади. Унинг таркибида 1,7% углерод, бундан ташқари унинг механик хусусиятларини анча ўзгартирадиган бошқа қўшимча элементлар ҳам бўлади. Пўлат мартен, конвертор ва электр печларида ишлаб чиқарилади. Унинг маркалари қуйидагича;

- 1). Конструкцион пўлатлар; СТ.0, СТ.1, СТ.2, СТ.3, СТ.4, СТ.5. СТ.6.
- 2). Асбобсозлик пўлатлари; Й7,У8,У9, У10, У11, У12, У13; юқори сифатлилари; У7А, У8А, У9А, У10А, У11А, У12А, У13А.

Қора металлларнинг механик хоссалари.

Барча металллар қаттиқлик, мўртлик, эластиклик, пластиклик сингари хоссаларга эга. Материалнинг қаттиқлиги ўзига бошқа қаттиқроқ жисмнинг ботишига қаршилиқ кўрсатиши бўлиб, у унинг энг муҳим механик хоссаларидан биридир. Металл қанча қаттиқ бўлса, унинг ишлаши шунча кўп куч талаб қилади. Металлларнинг турли деталл ва асбоблар тайёрлашга яроқли экани ёки яроқсиз экани уларнинг қаттиқлигига қараб белгиланади.

Эластиклик деб метал материалларнинг ташқи куч таъсирида ўз шаклини ўзгартириши, куч таъсири тўхтагач ўз шаклини қайта тиклай олишига айтилади. Металлларнинг эластиклиги метал турига қараб ҳар хил бўлади. Материалларнинг ташқи кучлар таъсири остида синмай ўз шаклини ўзгартиради. Шу куч таъсири тўхтаганидан кейин ҳам ўзгарган шаклини сақлаш пластиклик деб аталади. Пластиклик металлларнинг акси бўлган мўрт металллар ташқи куч таъсири остида шаклини ўзгартирмай синади. Техникада, бадий ижодда металлларнинг мустаҳкамлиги билан бирга маълум даражада пластик бўлиниши ҳам катта аҳамиятга эга.

Рангли металллар.

Темирдан бошқа барча металлларнинг саноатдаги номи 5 гуруҳга бўлинади.

Улар:

1. Оғир металллар;
2. Енгил металллар;
3. Қийин суюқланидиган металллар;
4. Асл металллар;
5. Нодир металллар.

Оғир рангли металлларга мис, никел, қўрғошин, қалай, кадмий, кобалт, рух, маргумуш, сурма, висмут, симоб киради. Буларнинг зичлиги 5-13,6 г/см³ га тенг.

Қадимда мис рудаси Кипр оролидан қазиб олинган, шунинг учун у оролнинг номи билан **Cuprum** деб аталган⁴. Мис табиатда нисбатан кам

⁴ Ўрмонов.Ф, Эшмухаммедов. А. “Ўрта Осиёнинг рангли металлари”, Т.: 1976

тарқалган. Ер пўстининг масса жихатидан 4,7-10~3% ини ташкил қилади. Мис таркибида баъзан темир, кумуш, камдан-кам олтин бўлади. (2.1-расм).



2.1-расм. Мис бўлаклари.

Мис табиатда асосан тоғ жинслари таркибида мис сульфидлари ва оксидлари тарзида учрайди. Мис рудаси бойитилгандан кейин уни суюқлантириб штейнни бессемерлаш усули билан ҳомаки мис, ҳомаки мисни термик усулда тозалаб ёки электролиз қилиб соф мис олинади.

2.1-жадвал.

Mis / Cuprum (Cu)	
Atom raqami	29
Ko'rinishi	Qizg'ish yumshoq metall
Atom xossasi	
Atom massasi (molyar massasi)	63,546 m. a. b. (g/mol)
Atom radiusi	128 pm
Ionlashish energiyasi (birinchi elektron)	745,0 (7.72) kJ/mol (eV)
Elektron konfiguratsiyasi	[Ar] 3d ¹⁰ 4s ¹
Kimyoviy xossalari	
Kovalentlik radiusi	117 pm
Ion radiusi	(+2e) 72 (+1e) 96 pm
Elektrmanfiylik (poling bo'yicha)	1,90
Elektrod potentsiali	0
Oksidlanish darajasi	2, 1

Termodinamik xossalari	
Zichlik	8,96 g/sm ³
Solishtirma issiqlik sig'imi	0,385 J/(K·mol)
Issiqlik o'tkazuvchanlik	401 W/(m·K)
Erish harorati	1 356,6 K
Erish issiqligi	13,01 kJ/mol
Qaynash harorati	2 840 K
Qaynash issiqligi	304,6 kJ/mol
Molyar hajm	7,1 sm ³ /mol
Kristall panjarasi	
Panjara tuzilishi	kubik markazlashgan
Panjara davri	3,610 Å
Panjara/atom nisbati	n/a
Debye harorati	315,00 K

Мис Менделеев даврий системасининг 1-гурухига мансуб кимёвий элемент бўлиб, тартиб рақами 29, атом массаси 63,546 грам-мол. Табиий мис иккита барқарор изотоп ⁶³Si (69,1%)(никел) ва ⁶⁵Si (30,9%)(рух) дан иборат.

Мис юмшоқ, чўзилувчан, болғаланувчан, қизғиш металл. Мис кимёвий жихатдан унчалик фаол эмас. Ҳавода оксидланиб қораяди. Нам ҳавода гидроксидкорбанат ҳосил қилгани учун кўкаради. Мис ишлаб чиқаришда, мисли катализатор ва фунгитсит сифатида, матоларни бўяшда, электр симлари, электр асбоблари ва ускуналари ишлаб чиқаришда, бадий буюмлар тайёрлашда, қотишмалар олишда, тузлари эса пигментлар ҳамда сунъий ипак олишда, ўсимлик зараркунандаларига қарши курашишда, тери саноатида, микроўғит сифатида ва тиббиётда ишлатилади.

2.2. Кандакорлик санъати тарихи.

Кандакорлик деганда, металлдан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки бўртиқ қилиб нақш ишлаш тушунилади. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Ўрта Осиё мармарларида металлдан ясалган бадий буюмлар ишлаб чиқариш қадимдан ривожланиб келаётган санъат бўлиб, бу санъат ўзининг қадимийлиги билан кулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Қадимдан савдо-сотикда кандакорлик буюмларига эҳтиёж катта бўлган. Маҳаллий санъат асарлари қўшни мамлакатлар санъатининг энг яхши ютуқлари билан бойиб борган. Маҳаллий усталар олтин, кумуш, жаз, мис ва шу каби бошқа нодир металллардан ҳар хил буюмлар ясаганлар. Қадимги ва ўрта аср кандакорлиги асосан кумуш буюмларда ўз ифодасини топди.

Археологик топилмалардан эрамиздан аввалги III аср охирида ҳамда II аср бошларида биринчи (махсус мис қотишмаси) тўғноғичлар Миср, Ўрта ер денгизи, Месопатамия, Ҳиндистон, Ўрта Осиёда кенг тарқаб бораётганлиги аниқланди. Бу бадий металл буюмлар ишлашнинг илк намуналари эди. Тўғноғичларда кичик-кичик воқеалар, ҳайвонлар ва шу каби бошқа нарсалар тасвирланган. Фарғонада топилган маросим қозони биринчи минг йилликнинг ўрталарида кандакорликда “ҳайвонат услуби” ривожланганининг далилидир.

III-VII асрларда, яъни сўнгги этник ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда кандакорлик жуда юқори даражада ривожланди. Қимматбаҳо, нодир металллардан ҳокилар ва аёнлар учун турфа хил, ниҳоятда чиройли безак буюмлари ишлатилди. Буларда, олтин ва кумуш буюмларидан тўй-томоша, тахтга ўтириш маросимлари, дунёвий ва диний мавзулар, ишкор ва кураш манзаралари, мифологик ва эпик қаҳрамонлар, ҳаётий каби бошқа тасвирларни ҳам кўриш мумкин.

VI-VII асрларда бадий металл буюмлар юксак техник сифатида бажарилганлигига Аников лагани мисол бўлади. Бу лаганда қалъа дарвозаси олдидаги “яккама-якка олишув” воқеаси тасвирланган. Бу асарда ўша давр ҳаётидан бир лавҳа бўлиб, ундаги ўйманинг майинлиги, аниқ нафосати, таъсирчанлиги билан машҳурдир.

XI асрда ҳунармандчилик янада ривожланди. Бу давр буюмлари Термиз ва Наманган шаҳар музейларидаги мис лаганлар, офтобалар, кўзгулар сиёҳдонларда юксак сифатга эга бўлган афсонавий воқеалар ифодаланади.

IX-X асрларда ислом дини Ўрта Осиёга кириб келгани муносабати билан турли-туман халқларнинг санъати, анъаналарини ўзида мужассамлаштирган янги ғоявий-бадий санъат пайдо бўлди. Мусулмон Шарқида биричи бўлиб мис буюмлар кенг тарқалган бўлса-да кейинчалик уларни ўрнини олтин ва кумуш эгаллади.

VIII-XIII асрларда олтиндан жуда кўп буюмлар тайёрланар, буюмларнинг безакларига ҳам олтин суви югуртирилган эди. Кейинчалик хийла арзон материал сифатида мис ва унинг турли қотишмалари ишлатилади. Қизил мисдан ҳар хил кўзалар, декча, идиш-товоқ, жез ва сарик мисдан шамдон, поймон оқ мисдан ва бринжидан кўзалар, турли хил жомлар тоғаралар, катта-кичик пиёла ва шу кабилр ясалган. XI асрда яшаб ўтган шоир Носир Ҳусрав асарларида бринжидан қилинган кўзани кўриб лол қолгани, уни олтиндан ҳеч бир фарқ қилмаслигини баён қилиб ўтган.⁵

IX-XII асрларда кандкорлик санъатида катта янгилик бўлди. Авваллари сфинкс, арслон каби ҳайвонлар, тўй, базм, боғ каби манзаралар тасвирланган бўлса, эндиликда идишларни безашда ёзувли нақшлар кенг миқёсда қўлланила бошлади. Қадах ва идишларга ҳар хил ёзувлар масалан, шон-шараф, омад, тан-сиҳатлик, бахт-саодат, фаровонлик каби нақшли ёзувлар “куфсий” ва “насх” усулида битилди.

XIII - XV асрларда кандакорлик безакларига кумуш ва олтин ипларни қадаб зеб бериб, нақшларни жуда ҳам нафис бўлишига ҳаракат қилишган. Регистон майдони яқинидан топилган хазиналар, яъни олтимшидан ортиқ турли-туман идишлар, пиёлалар, кўза, қопқоқ, таглик ва қозонлар кандакорликнинг XIV-XV асрлар бадий анъанаси тўғрисида маълумот берган.

Темур ва темурийлар ҳукумронлиги даврида бадий буюмлар ишлаб чиқариш юксак даражада ривожланди. Металл буюмларни безаш янада ўсди.

⁵ Булатов.С. “Ўзбек халқ амалий безак санъати”. Т.: 1991. 271-б.

Масалан, ҳозирда Россия давлатининг Эрмитаж музейида сақланаётган шамдонлар, ҳалқа, етти хил металлдан қўйилган қозонлар бунинг далилидир. “Шамдонлар” садаф, суяк қадаб ишланган эшиклар учун қилинган нафис шабака ҳалқалар ўсимликсимон гуллар заминида яратилган. Бу ёзувларда шамдонларни ишланган вақти (1397) ва уста Иза-ад Дин Исфакхоний номи битилган. Қозон ўсимликсимон нақш ва юксак ҳуснихат ёзуви билан нақшланган. Бу афсонавий қозон дунёда ягона бўлиб, уни табризлик Абдулазиз ибн Шарофиддин рихтагор яратган”⁶

“Бухора ва Хивадан Масква ҳукмронлигига совға сифатида тақдим этилган буюмлар, шунингдек, Ўрта Осиё савдогарлари келтирган моллар ичида олтин суви юритилган майса билан хошияланган гурзи, кумуш занжирлар, дўмбиралар олтинранг ва ўтранг бўёқлар юритилган қиличлар тилга олинади. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлигига қараганда, XVI-XVII асрларда Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида маҳоратли усталар жуда кўп бўлган”⁷

XVI-XVIII асрларда ички нотинчликлар сабаб ҳўжаликда турғунлик даври бўлди. Ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқариш тўхтади, лекин унинг ўрнига қурол-яроғ ишлаш ва уни безаш янада ривож топди. Бухоро, Хива, Самарқанд ва Фарғона водийси шаҳарлари аслаха ва жанг кийимларини тайёрлайдиган асосий марказларга айланди. Кейинчалик эса учта марказлашган давлат Бухора, Хива ва Қўқон хонликлари ташкил этилиб, ҳунармандчилик яна ривожланди.



2.2-расм. Носқовоқ Бойсун. XX аср бошлари.

⁶ Абдуллаев. Т. XIX-XX асрларда ўзбек қандакорлиги. Т. “Фан”, 1974, 10-б.

⁷ Ўша асар. 11-б.



2.3-расм. Исирикдон, XX аср.

XVIII-XX асрларда кандакорлик яхши ривожланди. Бухоро, Қўқон, Хива, Самарқанд, Шахрисабз, Қарши, Тошкент шаҳарлари кандакорлик буюмларини ишлаб чиқарадиган марказларга айланди. XIX аср ўрталарида Фарғона водийсида дўкондор, Бухоро ва Тошкентда эса вонурушлар пайдо бўлди. Улар усталар тайёрлаган гилам, кутича, қилич ва шу каби нарсаларни халққа етказиб берадиган “савдо воситачилари” рўлини бажарганлар.

Ўтган асрнинг 1914-1917 йилларида фуқаролар уруши туфайли хўжалик буюмларини яшаш камайиб кетди, бадийий метал ишлаб чиқариш пасайди.

Собиқ Иттифоқ даврида Самарқанд ва Тошкентда бадийий ўқув билим юртлари ташкил қилинди, бироқ 60-йилларга келиб давлат саноати корхоналари ташкили пала-партишлик оқибатида кандакорлик буюмлари ишлаб чиқариш инқирозга юз тутди.

Мустақиллик шарофати билан яна кандакорликка эътибор кучайди. Биринчи Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан “Ўунармандлар уюшмаси” тузилди. Ҳозирда ўунармандларимиз махсули бозорларимизни, хусусий хонадонларимизни кўркига-кўрк кўшиб туради. Халқимизнинг асрлар давомида яратиб келаётган буюмлари янги ривожланиш босқичларини бошлади.



2.4-расм. Кандакор. XIX аср.



2.5-расм. Кандакар. Ф.Обидов, Қўқон. XXI аср 20-йиллари.

2.3. Мисгарлик санъати.

Она заминимиз наққошлик, ўймакорлик, кандакорлик, мисгарлик сингари амалий санъат билан бутун дунёга машхур. Ёғочга, металлга, қоғозга, матога ганч чизиб, ўйиб, тирнаб, зарб бериб ишланган нақшу-нигорларининг гўзаллиги, нафис ва таъсирчанлиги кишини ўзига мафтун қилади.

Ана шундай санъат турларидан бири мисгарлик бўлиб, у қадим замонлардан бери давом этиб келаётган санъатдир. Мисгарлик деганда мисдан курул-аслахалар, уй-рўзгор буюмлари ва шу каби бошқа жиҳозларни яшаш касбини тушунамиз. У ҳунармандчиликнинг қадимий ва кенг тарқалган тури ҳисобланади. Ўз номидан кўриниб турибдики унинг асосий материали мис.

Мис қадим замонлардан одамзотга маълум бўлган металл. Мис ва унинг қотишмалари инсоннинг моддий маданиятини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Қадимда юнонлар мис рудасини биринчи бўлиб Китр оролларида қазиб олганликлари учун ҳам унинг номи латинча “cuprum” деб аталади.⁸ У табиатда таркибида темир, қумуш ҳаттоки олтин бўлган руда ҳолида учрайди. У юмшоқ, чўзилувчан, болғаланувчан қизил, қизғиш металл.

Мис иссиқлик ва электр токини жуда яхши ўтказиши бўйича қумушдан кейин иккинчи ўринда туради. У ҳавога оксидланиб, қораяди. Нам ҳавога эса гидроксикарбонат ҳосил қилгани учун кўкаради. Уни мис рудаларини қайта ишлаш асосида олинади. Ундан лаган, офтоба, жом, самовар ва шу каби бошқа буюмлар, шунингдек сунъий ипак олинади.

Қадимги усталар соф мисни совуқлайин ишлатганлар, шунинг учун ҳам мис буюмлар юмшоқ ҳамда мўрт бўлган. Кейинчалик эса мис ва қалай қотишмасидан ҳосил қилинган бронзадан фойдаланиб буюмлар ясаган. Бронзадан ясалган буюмлар бирмунча пишшиқ бўлган.

Қурама тоғларнинг жанубий-ғарбий қисмларидан, Қизилқум ҳамда Нурота тоғларидан топилган топилмалар миснинг Ўрта Осиё ҳудудида

⁸Булатов. С. “Ўзбек халқ амалий безак санъати”. Т.: 1991. 273-б.

кадимдан ривожланганини исботлади. Бухоро қадимдан нақшинкор мис идишлар ишлаш маркази бўлиб келган. Страбон ҳамда Геродот асарларида Ўрта Осиёда мисгарлик машғулоти ҳақидаги маълумотлар ёзилган. X аср араб географи ҳамда сойёҳи Макдисийнинг ёзиб қолдирган манбалари асосида шулар маълум бўлдики, Араб мамлакатларига Самарқанддан ўша даврда катта мис қозонлар, жуда ҳам чиройли мис қадахлар, Бухородан эса мис чироқлар келтирилган. [3; 272-б]

XI-XII асрларда Термизнинг мисгар усталари бутун дунёга маълум ва машҳур бўлганлар. XI-XII асрларда Ўрта Осиёда мис буюмларини ясашга жуда ҳам катта эътибор берилган.

XVIII-XIX асрларда Бухоро, Самаканд, Хива, Қўқон шаҳарларида аъло даражали бронза ва мисдан буюмлар, идишлар ясаш кенг тарқалган. Бу жойларда мисгарлик санъатининг ўзига хос мактаблари вужудга келган.

Мис идишлар икки йўл билан ясалади, биринчиси мисни эритиб қолипга қуйиш орқали, иккинчиси эса болғалаб ясалади. Болғалаб ясашда сандондан фойдаланилган, буюмни ясашда мис тез-тез қиздириб турилади. Агар мураккаб шакл ва кўринишдаги идишлар ясаладиган бўлса, у ҳолда мисни бир неча бўлақларга бўлиб алоҳида – алоҳида қилиб рихтагорлар қолипга қуйиб ясашган. Кейин мисгар уста қалай ёрдамида бириктириб чиқган. Қолипдан чиқарилган мис буюм яхшилаб тозалангандан сўнг нақш ўйиш учун кандакор устларга берилган. Шу боисдан ҳам кандакорлик, мисгарлик ва рихтагорлик иш қуроллари бир – биридан фарқ қилади. (2.5, 2.6-расмлар.




2.6-расм. Мисгарлик иш қуроллари.



2.7-расм. Кандакорлик иш қуроллари.

Металлдан ишланган идишларнинг умумий шакли муайян нисбат ҳамда кўринишга эга. Бу идишлар шарсимон юмалоқ, агар яполоқсимон бўлса сатранжи, қаноти, шакли қовурғали, пилтали, қиррали бўлган. Шундай буюмлар ҳам борки, уларнинг қорни бир хил бўлиб, дастаси ва тумшуғи билан фарқ қилган.



2.8-расм.Офтоба. Самарқанд 18 аср.

Мис лаганлар кўпинча доирасимон шаклга эга бўлади, баъзи бирларигина овалсимон ёки тўртбурчак бўлади. Буларни Бухоро ва Самарқандда **гаркунж** деб юритилади.

Навхўри - овалсимон ёки тўртбурчак мис лаганларнинг лаблари ён томонга қайтарилган бўлади. Бу лаганлар ўсимликсимон, рамзий ва геоометрик нақшлар билан жуда нафис қилиб безатилади.

Дулаба - тухумсимон ёки тўтрбурчак шаклидаги мис лаганлар, уларнинг чети ён томонга қайрилади. Булар ҳам жуда чиройли қилиб ишланади.

Юз - қўл ювишда дастшўй ва офтоболар ишлатилади. Сув келтириш учун сатил, сув олиш учун сархум, нон иситиш учун нондон ва шу каби бошқа рўзгор буюмлари шаклини тузилишига кўра ҳар бир бадий ва баҳода ўзигача номланган.


Ўзбекистонлик мисгарларнинг яратган бебаҳо буюмлари Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Эрон, Кавказ ҳамда Турк халқларига яқин қўшни халқлар билан яқин алоқада бўлган.

Ўрдак офтобадан фойдаланиш Қўқон шаҳрида Собиқ Иттифок давригача кенг тарқалган. Уни қопқоғи ўрдаксимон, кафти, дастаси, жумрак ўрнига ўрдак тумшуғини шакли ўрнатилган идиш. Бу идиш бошқа жойдан келтирилган бўлиши ҳам мумкин, чунки Ўрта Осиёда ўрдак офтоба фақат кулолчиликда тайёрланган. Бундан ташқари панжарасимон “шабака” қилиб ҳам ишланган. **Шабака** - мис идишларга майда қилиб тешиб ишланган панжара. Уни Тошкентда “Сумбарно” деб юритилади. Шабака бу мисгарлик услуби ҳисобланади. (2.8-расм).



2.8-расм. Шабака услуб.

Хоразмда сув учун қумғон ишлатилади, лекин бу идиш ҳеч бир бошқа вилоятда қўлланилмайди. Унинг ўзига хослиги шундаки, вилоятларда дастали қумғон ишлатилади ва уни офтоба деб юритилади. (2.9-расм).




2.9-расм. Қумғон. Хоразм, XIX аср.


Кейинги йилларда фабрика ва заводларда ҳар хил металл, чинни, пластмасса идишларнинг қўплаб ишлаб чиқарилиши мисгарлик санъатининг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга қарамай мисгар усталар изланишдан, ижоддан тўхтаганлари йўқ, янги - янги мис буюмлар ясаб келмоқдалар.

Сув келтириш, сув сақлаш ва чой дамлаш учун мис чойнак, мис кўза, чой идиш (чойжўш) қошқиллар ўзбек халқи орасида энг кўп тарқалган мис идишлар ҳисобланади. Ариқ ва кудук сувларини ташишда каттароқ идиш, кўза ишлатилган. Кўза икки хил: қорни юмалоқ, бўғзи юқорига кичрайиб кетувчи ҳамда, қониссимон қоринли бўлади. Сув олиб келиш учун мис челақ “қашқил” ҳам ишлатилади. Хивада сув идишлари “тун” деб аталади, у юмалоқ шаклда бўлади, баъзида қоққоғи ва дастаси ҳам бўлади.

Қўл ювиш учун офтоба, обдаста, қумғон, дастшўй, селовча, чилопчин ва шу қабилар ишлатилган. Бухорода офтоба, Тошкент ва Фарғонада обдаста деб юритилади. XIX асрда ясалган офтобалар XX асрдагилардан катта фарқ қилган.



Офтоба. Бухоро XIX аср.



Офтоба. Қўқон. XIX аср.




Обдаста. Усто Мулло Сиддиқ. 1885 й.

Қадимги офтобалар Нарғон офтобаларига ўхшаш нафис, кўркам ҳамда силлиқ пардозланган эди. Хивада офтобалар ясси, бўғзи узун ҳамда ингичка бўлиб, дастаси бўлмайди.



Тунча (Сув идиш)

Хива. XIX аср 2-ярми.



Тунча (Сув идиш).

Хива. XIX аср 40- йиллари.

Шахрисабз офтобаларига рангли ойначалар, рангли сўрғичлардан, айрим ҳолларда эса сирли бўёқлардан гуллар солишган. Бухоро офтобалари гул солинган, бўйи пастрок, катта ва ингичка бўғизли бўлган. Қарши офтобаси ўзига хос кўринишга эга бўлиб, алоҳида ясалган жўмраги бироз юқорига эгилган ҳолда тик ўрнатилади.

Дастшўй, ов дўмбираси, ўсмажўжак, сурмадон, мис коса, қозон, нондон, чўмич, капкир ва шу каби кўплаб буюмлар ҳам ишлатилган.

Ҳозирга келиб енгил пластмасса буюмлар кундалик турмушимизга ўзининг арзонлиги, қулайлиги ва кўплиги билан кириб келган бўлишига қарамасдан мис буюмлари ҳам кундалик ҳаётимизда ишлатилиб келинмоқда.

Энг ачинарлиси, хориждан келган сайёҳлар мисдан ясалган буюмларни олтин нархида сотиб олиб кетиб уйларида тўрисида фахр билан сақлаб юрибдилар-у, биз эса қараб ҳам қўймаймиз, биз учун у худди эски буюмлардай туюлади. Уларда ота-боболаримиз меҳнати, ўтмиш аجدодларимиз руҳи яшаётганини ҳис қилмаймиз.

Кандакорлик мактаблари.

Металдан ясалган буюмларга ишлов бериш, яъни кандакорлик жихозлари кўриниши, шакли, қўлланилишига кўра ранг-барангдир. Унинг ўзига хослиги, нақшинкорлиги, безаш усули жихатидан Фарғона, Қўқон, Тошкент, Бухоро, Қарши, Хоразм, Самарқанд мактаблари шаклланган. Ҳозирги кунда ҳам унинг ноёб мактаблари ҳунармандлар томонидан “Устоз-шогирт” тизими асосида изчил давом эттирилмоқда.

Бухоро кандакорлик мактаби – буюмларга кесма усулда зарб беришга асосланган бўлиб, мис буюмларининг содда, ҳушбичимлиги кўпчиликни ўзига тортади.

Бу мактабга оид бадий буюмларнинг нақшлари бироз йирикроқ, тасвирларида кўпроқ меъморий обидалар акс эттирилганлиги билан бошқа мактаблардан ажралиб туради.

XIX-XX аср бошида хаттотлик ёзувлари ўсимликсимон нақшларга ўхшатиб ишланди. Бухоро кандакорлик мактаби вакиллари: Шоди Муҳаммад (XVIII аср), Ҳаким Бухорий (XIX аср), Олим Абдусаломов, Ғулом Ҳасанов, Оллоёр Йўлдошев, (XX аср бошлари), Мухтор мухсинов, Муқаддам Мукаррамов, Абдусалом Ҳамидов, Уста Салим Ҳамидов (XX аср ўрталари) кабилар бу санъат ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Бу мактаб усталари буюмларни, феруза, шиша қадаб беаганлар, нақш замини рангли локлар билан бўялган, баъзан буюм сирти қолипаки усулида ишланган безаклар билан қопланган. XX асрнинг 20-йилларидан усталар артелларга уюштирилди. Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида артеллар

тугатилиб, маҳаллий саноат корхоналарида кандакорлик буюмлари ишлаб чиқиладиган бўшланди. Кандакор усталар – С. Ҳамидов, М. Мукаррамов, А. Ҳамидовлар Бухоро мактабини кандакорлик услубида ривожлантирдилар. Салимжон Ҳамидов ташаббуси билан 1968-йилда республикада илк бор Бухоро Бадиий кандакорлик мактаби очилди.

Ҳозирда Бухоро кандакорлик мактабида истеъдодли ёшлар хунари ўрганиб, буюк усталар анъаналарини давом эттирмоқда. Бу мактабнинг етакчи усталари: Н. Саидов, С. Муҳсинов, Н. Анисимов, Т. Қосимов, Уста Шариф, Р. Фатхуллаев, Ш. Ғуломов, Б. Зоиров, Ж. Ғуломов, М. Маъмуров ва бошқалар ўзларининг мисгарлик буюмлари билан дунё кезиб, халқимиз салоҳияти ва иқтидорини намойён этиб келмоқдалар.⁹

Хоразм кандакорлик мактаби - ўзбек амалий санъати кандакорлик услубларидан бири. Ўрта Осиёдаги қадимий ва энг ривожланган амалий санъат мактабларидан. Бу ерда XVI асрдан бошлаб кандакорлик тармоғи мисгарликхалқ хунаромандчилигининг муҳим бўлагига айланган. Мисдан чойнак, қозон, қадах, чироқ, лаган, дастшўй, офтоба, челақ, тунг, қумғон, кўза, патнис, дулова ва бошқа турли-туман буюмлар ишланган. Хоразм кандакорлик мактабида мисга ишлов беришнинг, асосан, қолипи, кандакори, симкори усуллари кенг қўлланилади. Хива кандакорлари чизма усулидан фақат пардозлашда фойдаланадилар. Безак нақшлари анъанавий бўлиб, ўсимликсимон ва геометрик баъзи ҳолларда ҳайвон шакллари билан иборат.

XX аср бошларидан Хоразм кандакорлик мактабининг кандакорлари нақш заминини қора ёки қизил лок билан бўяганлар. Хоразмлик кандакорлар ислимий, мадоҳили, мураккаб ислимий нақшларни геометрик шакллардан четон ва катак нақшини кенг қўллайдилар. Муҳаммадпано, Худойберган Марчонов, Собиржон, Юсуф ва Матпано Худойбергановлар, Матёқуб Жонибеков, Ҳожиниёз Саидниёзов, Бекжон Ёқубов, Отажон Мадрахимов ва бошқалар Хоразм кандакорлик мактабининг етакчи вакиллари билан.¹⁰

⁹ М. Раҳмонова, А. Ҳамроев. “Бухоро хунаромандчилиги дурдоналари”. Т.: “Ўзбекистон”, 2019.

¹⁰ Ф. Ҳасанов, А. Эгамбердиев, О.Файзуллаев ва бошқалар. “Ўзбекистон хунаромандчилиги ва амалий санъати” энциклопедия 2. Тошкент-2017.

Фарғона кандакорлик мактаби. Ўзбек амалий санъати кандакорлик мактаблари ичида водий мактаблари алоҳида ўрин эгаллайди. Водийнинг Ахсикент, Марғилон, Наманган, Андижон, Қўқон шаҳарларида юзага келган кандакорлик мактаблари XVIII асрдан бошлаб ривожланди. Бунинг сабаби, ўша даврда Россиядан мис плиталар олиб келиниши бўлган.

Фарғона кандакорлик мактабининг мис буюмларида классик, нақш турларидан ислимий услуб кенг қўлланилган. Яъни мисдан тайёрланган буюмлар сиртини ислимий гулзор, ислимий баргак, ислимий мадохил, ислимий қўшбарг каби классик нақшларда гул, барг, таноб, банд элементларни уйғунлатириб ажойиб қилиб безаганлар. Нақшлар кенг ва тик, тор, ёнлама хошияли йўллардан иборат бўлган.

Фарғона кандакорлик мактаби усталарининг, мис буюмлари устига ишлаган нақшлари, чуқурроқ кесилгани ва аниқлиги билан фарқланади. Бу ернинг етук вакилларида уста Мусаввир Кошғарий, Форих Ҳолиқов, Собир, Ҳасанбой, Ғуломжон Фориқовлар, Машраб, Йўлдош Собировлар, Ойшахон, Юсуфжон, Ойнисабиби, Собирабиби, Шарофатхон, Солихабиби, Ойимпошша, уста Саидмуҳаммад, Мулла Рахматулла ва бошқалар шу мактаб ривожига хисса қўшганлар.

Қўқон кандакорлик мактаби. XVIII - XIX асрларда Қўқон кандакорлик мактаби шаклланган бўлиб, бу мактаб мис буюмларига берган нақшларининг саёз, мазмунли ва аниқлиги билан ажралиб туради. Нақшлар ислимий ҳамда гирих услубларининг аралашувидан ҳосил бўлган майда қисмларга бой.

XIX асрнинг 2 - ярмидан бошлаб Қўқон кандакорлик мактаби мис буюмлари чекма безаклар, чизиқлар, катаклар ва бошқа ажойиб бўртиқ шакллар билан бойитилди. Нақш заминини бўяш кенг қўлланилди. XIX асрнинг охирига келиб, нақш мужассамотларида меъморий обидалар, афсонавий хайвонлар ва одамлар тасвирлана бошланди. Мисдан тайёрланган буюмлар ўйилган ва чекилган нақш ҳамда тасвирлар орасига феруза, дур, маржон каби кўзлар қадаб безатилди.

Қўқон кандакорлик мактаби вакиллари баркаш, лаъли, чой идишлар, коса ва бошқа анъанавий буюмларни ясаб, ўсимликсимон ва хандасий нақшлар билан безаганлар. Хонликлар даврида Қўқонда 400дан ортиқ мисгарлик устахоналари фаолият юритган бўлиб, уларнинг ҳаммасида мис идишларга буюртма берувчилар навбат кутиб туришган. Бу даврда Қўқон кандакорлик мактаби шаклланиб, устазода усталардан Отаулло Муҳаммад Ражаб, Мулло Ҳолик, Сиддиқ Отауллаев, Фозил Отауллаев, Лутфулла Фозилов каби усталар самарали ижод қилган.



Бугунги кунда Лутфулло Фозиловнинг шогирдлари Фозилжон Обидов, Иномжон Солижонов, Мансуржон Мадалиев, Рустамжон Улуғбековлар Қўқон кандакорлик мактабининг асрий анъаналарини давом эттириб, мисгарлик санъатининг довуғини юксакларга кўтармоқдалар. Улар ўзларининг мисдан ясалган гўзал ва бетакрор буюмлари билан мунтазам равишда вилоят, республика ва хорижий давлатларда ташкил этилаётган кўргазмаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Қўқонда 2019 йил 10-15-сентябр кунлари ташкил қилинган Халқаро Ҳунармандлар фестивалида ҳам ўзларининг юздан ортиқ санъат асарлари билан қатнашиб, хорижлик меҳмонлар ва юртимизнинг санъат шайдолари қалбидан жой олди. Ушбу уста яратган мактабга, шогирдлари ижодига кейинги бобда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

II. боб бўйича хулоса.

Металга ишлов бериш, ундан турли хил буюмлар, иш қуроллар ясаш бу жуда машаққатли жараён ҳисобланади. Қадимги одамлар дастлаб мис металлидан ўз этиёжлари учун керакли нарсаларни ясаганлиги, бу металл турининг бошқа металллардан анча мустахкам, эгилувчан ҳамда иш қуроллари ясаш учун қулай жараёнли ҳом – ашё бўлган десак адашмаймиз. Кейинчалик мисдан ясалган буюмлар барчани бирдек ўзига жалб қилишининг бир қанча сабабларини келтириш мумкин. Мис ташқи кўринишдан қимматбаҳо металл ҳисобланган олтинга ташқи кўринишдан жудаям ўхшаш бўлганлиги сабабли, хон саройларида, бойлар хонадонларида кенг қўлланилган. Унинг таркибидаги турли хил моддаларнинг зарралари маълум миқдорда инсон саломатлиги учун ҳам фойдали ҳисобланади. Шу боисдан ҳам имсгарлик санъати асрлар оша бизгача миллий ҳунар бўлиб етиб келмоқда.

Эндиликда мисга ишлов беришнинг турли хил усуллари бўлиб, юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос йўналишга эга бўлган мисгарлик мактаблари бор. Бу мактаблардан Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қарши, Фарғона кабиларни санаш мумкин.

Қўқон кандакорлиги ва мисгарлиги санъати ўзининг бадий услуби, буюмларнинг ўзига хос тузилиши, нақшларининг майда, нафис, инсонни ўзига ром этадиган даражада бежиримлиги билан бошқа ҳудудларнинг мисгарлик ва кандакорлик мактабларидан тубдан фарқ қилади. Чунки Қўқон шаҳрида, Қўқон хонлиги даврида 400 дан ортиқ мисгарлик устахоналари бўлиб, бу устахоналарда мисгарлик буюмларини ясатувчи, мис буюмларини тамирлатувчилар сони кўплигидан, ахоли навбат кутиб турган. Албатта бу мисгар усталар юртимизнинг турли ҳудудларидан чақиртирилган. Бир сўз билан айтганд Қўқон мисгарлик санъати ўчоғи бўлган десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда бу соҳани ривожлантириш, йўқолиб кетишига йўл қўймаслик, ёшларни миллий ҳунарларимизни ўрганишга бўлган иштиёқини ошириш ва энг асосийси, мис буюмларидан кенг қамровли ҳолда фойдаланиш инсонларга ҳар тарафлама фойдали эканлигини кўрсатиб бергувчи илмий ишлар, телематериаллар таёрлаш зарур.

Ш. боб. Қўқон мисгарлик санъати ва уни давом эттирилиши.

3.1. Қўқон мисгар устаси Лутфулла Фозилов давомчилари.

Жуда қадимий саналган мисгарлик санъати ҳақида баъзан, бу санъат тури қанчалар тарихга эга, инсонларга нима учун керак бўлган, бугунги кунда йўқолиб бораётганини сабаби қайда, наҳотки келажакда мисгар ҳунармандлар ва уларнинг нафис санъати ўта саноқли бўлиб қолса, деб ўйлаб қоламиз. Йўқ бундай бўлишига йўл қўймаслик керак. Шу боисдан ёшларга қадимий санъатимиз ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий билимларни беришимиз зарур.

Мисгарлик санъати энг нафис ва мураккаб санъат тури бўлиб, битта яхлит санъат асари тайёр бўлиши учун уч хил ҳунарманд уста тер тўқади.

Улар:

- Мисгар;
- Рихтагор;
- Кандакор.

Мисгар, сарик, қизил мис рудасидан турли идишларнинг шаклини ясаб, ички ва ташқи қисмини сирлаб қалайлаган.

Мис идишлар яшаш асосан икки хил бўлар эди: “табанок” – эритиб қуйиш ва “хоискори” – болғалаб яшаш.¹¹

Рихтагор, буюмнинг айрим деталларини, яни қуйма ҳолатда ясалаган жойларини, масалан, дастаси, қопқоғи, куббасининг учи (сонуласини), тумшуғи ва бошқа қисмларини ясаган ва мисгарнинг идишларига мослаб, бириктирган.

Кандакор эса, буюм бўлакларини ичини қум ёки албастер аралашмаси билан зичлаб тўлдириб, очиқ жойларини мис бўлаклари билан ёпиб унинг устидан пўлат қалами ёрдамида ўйиб ҳамда йўниб чиройли нафис нақшлар билан безаб тайёр буюмни халқ хизматига топширган.

Бу буюмларнинг юзаларига бўртма кандакорлик усулида нақш ишлаш камайиб бориб, унинг ўрнига ўйиб нақш ишлаш (гравюра) урф бўлиб қолди.¹²

¹¹ Сергеев Б. “Ўзбекистонда мисгарлик”. Тошкент – 1960. 8-бет.


XVIII—XIX асрларда Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хива каби шаҳарларда аъло даражали бронза ва мисдан идишлар яшаш кенг тарқалган. Мисгарлик санъатининг ўзига хос мактаблари сифатида Бухоро, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларни келтиришимиз мумкин. Ушбу мактабларнинг бир-биридан фарқи буюмга берилаётган нақшларда. Мисол учун, Бухоро кандакорлик мактаби усталари буюмларга нақш солишда “гирех” нақш услубидан фойдаланса, Тошкент кандакорлик мактаби усталари “ислимий” нақшлар асосида буюмларга безак берадилар, Қўқон кандакорлик санъатида эса ҳам гирих, ҳам ислимий нақшлар аралашувидан ишланган композитсия майда, нафис, бежиримлиги билан бухоролик усталарни ҳам ўзига жалб этади.

XIX аср охири 20 аср бошларида Қўқон шаҳрида кандакор Отауллаевлар оиласи Қўқон кандакорлик мактабини юксакларга кўтарган. Бу оилада олти оғайнилар бўлиб, уларнинг барчаси шу хунарнинг соҳиби аълоси бўлан. Уларнинг оталари Қўқонлик уста Мулла Атаулло Муҳаммад Ражаб ўғли 1796-йил Қўқон шаҳрида туғилган. У 1820 йилда Бўхорога диний илмини, малакасини оширгани бориб, дарсдан бўш вақтларида наққош-кандакор устага шогирд тушиб, хунар ўрганади. Қўқонга қайтгач диний соҳада мадрасаларда ишламай, Қўқон хони Худоёрхон замонида 1822-1861-йилларда саройда ишлаб, мана шу хунарни давом эттиради ва кўплаб шогирдлар тайёрлайди. Бу билан бир қаторда хонга маслахатчи ҳам бўлади. Отаулло Муҳаммад Ражаб фақат кандакор эмас, мухркан ҳам бўлган, шох саройи устахонасида қуролларга нақш солган. Мис баркашларга Худоёрхон қасрининг тасвирини туширишда у ягонаи замона ҳисобланган.¹³

Устазода уста мис идишларга сирли ранг билан хон саройининг суратини ҳам тушурган. Мулла Атауллонинг олти нафар ўғли бўлиб, улар ҳам Қўқон кандакорлиги санъати ривожига катта хисса қўшганлар, ота касбни давом этиганлар. Устанинг бир нечта қизлари ҳам бўлган, лекин улар ҳақида маълумот йўқ. Кандакор уста 1882 йилда 86 ёшида вафот этган.

¹² С.А.Булатов. “Ўзбек халқ амалий безак санъати”. Тошкент. “Мехнат” 1991йил 271-бет

¹³ Т.Абауллаев, А.Фахриддинова, А. Хакимов. “Песни в металле” Т.: 1986.



Исми ва фамилияси	Йили	Тутилган	Умри	Тутилган устани исми	Тутилган устани исми
Мулло Атаулло М. РАЖАБ ўғли	86.	1796й.	1882й.	Попри. Чоғон қишлоқи.	Ўзбек. БАХМАЛОВ. №99.
Мулло Раҳматулло Атаулло ўғли	45.	1826й.	1817й.	Ўзбек. Тошкент. Ўзбек.	— — — — — БАХМАЛОВ. №99.
Муҳаммад Сидиқ Атаулло ўғли	80.	1846й.	1926й.	Тошкент. Жаркўт. №.	— — — — — БАХМАЛОВ. №99.
Муҳаммад Мўмин Атаулло ўғли	70.	1852й.	1922й.	Ўзбек. БАХМАЛОВ. №99.	— — — — — БАХМАЛОВ. №99.
Мат. Ҳазил Атаулло ўғли	75.	1856й.	1931й.	— — — — — БАХ. №99.	— — — — — БАХ. №99.
Муҳаммад Қобил Атаулло ўғли	62.	1878й.	1940й.	— — — — — БАХ. №99.	— — — — — БАХ. №99.
Ваҳобжон Атаулло ўғли	57.	1880й.	1935й.	— — — — — БАХ. №99.	— — — — — БАХ. №99.
Нематулло Раҳматулло ўғли	66.	1864й.	1930й.	— — — — — БАХ. №99.	— — — — — БАХ. №99.
Одилжон Мат. Мўмин ўғли	48.	1892й.	1930й.	Тошкент. Жаркўт. №.	Тошкент. Жаркўт. №.
Ғаппоржон Ваҳобжон ўғли	72.	1902й.	1944й.	— — — — — БАХ. №99.	— — — — — БАХ. №99.
Уста Лутфулло Ҳазилов	78.	1899й.	1974й.	Ўзбек. Чанорли. №.	Ўзбек. Чанорли. №.
Одилжон Мат. Мўмин ўғли	50.	1892й.	1930й.	Ўзбек. Чанорли. №.	— — — — — БАХ. №99.
Уста Лутфулло Ҳазилов	78.	1899й.	1974й.	— — — — — БАХМАЛОВ. №99.	БАХМАЛОВ. №101. ХВТ.


Устанинг авлодлари ҳам ота касбни давом эттиришди ва ривожлантиришди. Улар ичида устага учинчи авлод ҳисобланган Лутфулла Ҳазилов кўкон мисгарлигини ривожланишини юксак даражага кўтарди, шу боисдан ҳам устанинг шогирдлари водий бўйлаб тарқалган.

Уста Лутфулла Фозилов 1899 – йилда Қўқон шахрининг Бахмалбоп маҳалласида таваллуд топган. У табиатан меҳнатсевар, тиришқоқ ва ғайратли инсон бўлган. У тайёрлаган мис буюмлар инсоният оғзига тушган. Устага авлоддан – авлодга ўтиб келётган Қўқон мисгарлик санъати ва унинг сир – асрорлари кўзни юмиб бажариш даражасида ёд бўлган. Бу санъатни келажак авлодга ўргатиб, ҳудди ўзидек устазода усталар тайёрлаб, Қўқон мисгарлиги санъати ривожига катта ҳисса қўшган. (3.2-расм.)



3.2-расм. Қўқонлик кандкор Лутфулло Фозилов иш устида.

Мисгар уста 1966 йили Қўқон шахрининг мактабида кандакорлик тўғрагини очган. Тўғарақда мисгарликка қизиққан болалар мактабдан сўнг Лутфулло Фозиловдан мис буюмлар тайёрлашни, уларни кўркем қилувчи турли нақшларни ўйиб туширишни иштиёқ билан ўрганганлар. Манашу тўғарақда мисгарлик сирларини ўрганган устанинг шогиртлари, Фозилжон Обидов, Иномжон Солижонов, Мансуржон Мадалиев, Рустамжон Улуғбековлар ҳозирги кунда Қўқон мисгарлик санъати сирларини ўз фарзандлари билан биргаликда, шахримизнинг ёшларига ҳам ўргатиб келмоқдалар.



*Кўқонлик қандакор уста
Лутфуллох Фозилов*

3.3-расм.

Қўқон кандакорлик мактаби фаолиятини давом эттириб келаётган усталардан бири Фозилжон Обидов Ахроржон ўғлидир. У 1954 йилда Қўқонда тўғилган. Мактабда ўқиб юрган даврида уста Лутфулла Фозилов томонидан ташкил этилган “Кандакорлик” тўғарагида маъданга нақш солиш сирларини ўрганади. Қўқон политехникумида ўқиб, харбий хизматда юрган чоғларида ҳам қўлидан болғача ва пўлат қаламни қўймайди. Хизматдан қайтгач, “Усто” бирлашмасининг Тошкент бўлимида, сўнгра Қўқон бўлимида кандакор Уста сифатида фаолият кўрсатди.(3.4-расм).



3.4-расм. Фозилжон Обидов дўсти билан. (пушти кўйдакли.).

Уста мисгарлик санъатининг уч босқичи саналган мисгарлик, рихтакорлик, кандакорлик сирларини бир ўзи сабр ва меҳр билан ажойиб санъат асаридаги буюмларни бунёд этади. Фозилжон уста кўпроқ лаган, кашкўл, кўза, самовар, чойдиш каби йирик идишларни ясайди ва нақшлар билан безайди. Тайёр бўлган буюм шаклларига нақш чекиш учун, аввал уларнинг ичини кум, мато ёки албастер аралашмаси билан яхшилаб зичлаб тўлдиради. Нақш чекилгач, ҳосил бўлган ажойиб шакллар томоша қилинади ва янада нафислаштирилади. Тайёр ҳолатга келган идиш юзаси махсус кукун билан ишқалаб пардозланади. Шу йўсинда бир санъат асари пайдо бўлади. (3.5-расм.).



3.5-расм. Ф.Обидов, Ўрдак чойнак.

Уч устанинг ишини бир ўзи бажарадиган Фозилжон Обидов мураккаб хунарнинг иш услубларини фарзандлари Фаррухбек Обидов ҳамда Фарходбек Обидовларга ва улар қатори кўплаб шогирдларига энг майда сир-синаотигача ўргатиб келмоқда.

3.2-жадвал.





3.6-расм. Уста Фозилжон Обидов ва ўғли Фарход Обидов.

Устанинг катта ўғли Фарходжон 1984 йил 19-сентябрда таваллуд топган. У доим отаси ёнида, нафис санъат билан бирга катта бўлди. Умумий ўрта таълимни тугатганда Фарходжон ўзи мустақил мис буюмларини ясаб, улани нақши-нигоролар билан безай олган. 1999-2002 йиллар орасида Қўқон шаҳридаги Турк литсейни битириб, 2003-2007 йилларда Тошкент Давлат Химия-Технология институтида Менжментлик соҳасида ўқиди. Хунармандлик ота касби бўлгани учунми, мисгарликни ўзи ёқтиргани учунми олий даргоҳда ўқиш жараёнида ҳам, иш жараёнида ҳам бўш қолди дегунча мис металлдан буюмлар ясаб, уларни пўлат қалами билан безатади.



3.7-расм.

Унинг укаси Фарух Обидов 1990 йил 27-октябрда туғилган. У ҳам акаси каби мис бўлақларини ўйнаб, уларга сайқал бериб катта бўлди. Умумий ўрта таълимни тугатиб, Қўқон шаҳар 1 - академик литсейининг компьютер мутахасислиги йўналишида таҳсил олди. Устазода устанинг кенжатоий, эркатойи ўқишга унча қизиқмади. Дадасининг ёнига келган шогиртлари қатори мисгарлик санъатини мукаммал эгаллади. Бугунги кунда Фарух Обидов Қўқон мисгарлик санъатида алоҳида ўрин эгаллаган. У дадаси билан бир нечта кўрик танловлар, фестивалларда қатнашиб, Ўзбекистон миллий санъатининг доврўғини дунёга танитмоқда. (3.8, 3.9, 3.10-расмлар.).



3.8-расм. Обидовларнинг ютуқлари.

Кандакор уста кўплаб танловларда, халқаро кўргазмаларда қатнашиб “Ташаббус – 2011” кўрик танловининг вилоят босқичида фахрли учинчи ўринни қўлга киритган. 2019 йил шаҳримизда бўлиб ўтган Хунармандлар фестивалида ҳам устанинг ишлари олд қатодлардан жой олиб, томошабинлар кўнглини хушнуд этган.

Фозилжон Обидов Ўзбекистонда ташкил этилган барча кўргазмаларда фаол иштирок этиш билан биргаликда Германия, Швецария, Австрия, Малазия каби давлатларда ташкил қилинган халқаро кўргазмаларда ҳам қатнашиб Қўқон мисгарлик санъатини оламга танитишда ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.



3.9-расм. Уста Фарух Обидов ишлари билан.



3.10-расм. Қўқон. Халқаро Хунармандчилик фестивали.



3.11-расм. Қўқон. Халқаро Хунармандчилик фестивали..



3.12-расм. Қўқон. Халқаро Хунармандчилик фестивали.



3.12-расм. Фозилов Файзулло Фарходжон ўғли. (Уста Фозил набираси).



3.13-расм. Рихтагорлик асбоби. Уста Фозил ясаган мис қолип.

Лутфулло Фозиловнинг яна бир шогирти, Солижонов Иномжон Омонович. У 1959-йил 4-майда Қўқон шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилган. Дадаси уста Омонжон заргарлик билан шуғулланган, онаси эса эркаклар учун Қўқон дўппи тикканлар.

Оиласида ҳунармандчилик руҳида ўсаётган Иномжон Солижонов 1966-1976-йилларда Қўқон шаҳрининг 18-мактабида таълим олиш билан бирга, Лутфулло Фозилов ташкиллаган “Мисгарлик ва кандакорлик” тўғарагининг фаол аъзоси бўлган. Уста 5-синф давридан мисгарлик сирларини ўрганишни бошлаб, мактабни битирётганда бу ҳунарни тамоман эгаллаб бўлган эди. (3.14-расм.).



3.14-расм. Уста Иномжон Солижонов.

Устанинг нафис санъатга қизиқишлари, уни Тошкентдаги “Бенков” номидаги рассомчилик ва дизайн билим юрти томон чорлади. Ўқиш жараёнида ажойиб мис буюмлари ясаб, нақшлар билан безаб тенгдошларини лол қолдирган. Ҳозирги кунда Иномжон Солижонов “Қўқон шаҳар маъданияти ва тарихи” музейида реставратор бўлимида илмий ҳодим бўлиш билан бир қаторда, мисгарлик ва кандакорлик ҳунарини фарзандлари, набиралари ва кўплаб шогирдларга ўргатмоқда. (3.15-расм).



3.15-расм. Уста шогиртлари билан.

Аёли Солижонова Манзура 1963 йил 7-майда тавлуд топган. Манзура опа тарих фани ўқитувчиси бўлиб, “Қўқон шаҳар маъданияти ва тарихи” музейида ишлаб нафақага чиқганлар. Бу оила ҳунармандчиликнинг барча турлари бўйича ёшлар учун ўқув курслари ташкиллаган. Бу курс заминида Лутфуло Фозилов ташкиллаган “мисгарлик ва кандакорлик” мактаб тўғараги ўз фаолиятини давом эттирмоқда.




3.16-расм. Иномжон Солижонов набираси, Исфандиёр.

Албатта “мисгарлик ва кандакорлик” тўғарагини Иномжон Солижонов ва тўрт ўғли Илҳомжон, Элёржон, Исломжон, Вахобжон Солижоновлар биргаликда қизиққан ёшларга ўргатиб келмоқда. Шу билан бирга устазода уста Қўқон шаҳар Ўлкашунослик музейининг тарихий мис буюмлар ўлимида ҳам ишлаб, Қўқон мисгарлиги ва кандакорлиги тарихи ҳақида музейга ташриф буюрган ёш экскурсиячиларга ва туристларга тубдан маълумот берадилар.(3.17-3.18-расмлар).

Қўқон мисгар усталари ишларини бир-бирига солиштирадиган бўлсак, кандакорлик бўйича уста Иномжоннинг нақшларида энг қадимги майда, нафис миллий нақшлар сақланиб қолганини кўрамиз. Қуйида устанинг манашундай ишларидан намуналаркелтирганмиз. (3.19, 3.20, 3.21, 3.22, 3.23, 3.24, 3.25-расмлар).




3.17-расм.



3.18-расм.



3.19-расм.



3.20-рasm. Қўқон. Халқаро хунармандчилик фестивалига қўйилган ишлар.



3.21-рasm. Мис қошиқлар.



3.22-расм. Ўрда.



3.23-расм. Хатотлик.



3.24-расм.



3.25-расм. Мис пиёлалар.

Қўқонда мисгарлик санъати ривожланиб, ўз тўгарагига кандакорликка қизиққан ёшларни жамлаб, хунар ўргатётган Лутфулло Фозилов, ёшликдаги қадрдон дўсти нинг қизи ни кўриб қолади. Унинг 5 ўғли бўлиб, устазода уста Мансуржон исимлисини ёнига олиб, шогиртлари қатори унга ҳам мисгарлик ва кандакорлик сирларини ўргатади. Анашу бола Қўқон мисгарлик санъатини бугунги кунда юксалишига ҳисса қўшётган Мадалиев Мансуржон Мадаминовичдир. У 1959 йил 30-июнда Қўқон шаҳрида туғулган. Устанинг бобоси мисгар уста Лутфулло Фозиловнинг дўсти бўлган. У савдо-сотик билан шуғулланганлиги боис ўз даврида дўсти Лутфулло устанинг оиласига моддий ёрдам бериб юрган. Мансуржоннинг бобоси ёш вафот этади. Уста Мансуржоннинг бувиси фарзандларини ёлғиз уйлаб-жойлайди. Карима ая турмушга чиқиб, 5 фарзандли бўлишади. Бу орада Лутфулло Фозилов Қўқонда кандакорлик тўгарагини очган, кўплаб шогиртлар тайёрлаётганлиги боис, дўсти олдидаги қарзини қайтариш истагида Карима аянинг олдига келиб, 5 ўғлигидан биригни менга бер хунаримни ўргатаман, шу билан отанг олдидаги қарзимдан бирмунча енгиллайман деганларида оналари Мансуржон ўғлим расм чизишга, нақш солишга қизиқади. Шу ўғлимга ўргатинг деб таклиф қилади. Шундай қилиб Мансуржон Мадалиев мактаб давридан 14 ёшидан бошлаб кандакорлик тўгарагига боради. Унинг бу санъатга қизиқиши жуда ортиб борди. 1984- йил ММ Тошкент Давлат (Низомий номли) Педагогика университетининг “Бадий график ва ҳайкалтарошлик” йўналишига ўқишга киради. Олийгоҳда ўқиб юрган вақтларида ҳам уста мисгарлик билан шуғулланиб, Қўқон мисгарлик санъатини барчага танитган. Олийгоҳни тугатиб Қўқонга қайтгач севимли хунари билан бирга “Раҳбарлар комбинати”да ҳайкалтарош-рассом бўлиб ишлади.

Лутфулло Фозиловга 3-авлод бўлиб шогирд тушган Мансур Мадалиев, ажойиб мисгарлик ва кандакорлик асарлари орқали кўплаб танловларда, кўргазмаларда иштирок этиб, Қўқон мисгарлик санъати довуғини дунёга танилишига ҳисса қўшган. У асосан мисдан лаган, чойнак, чойдиш, сомавар каби буюмлар ясаб, ўйма нақшлар билан безаган.



3.26-расм. Мис чойнак



3.28-расм. Мис ва латун буюмлар.



3.9-расм. Сомавар.



3.40-расм. Буюмга безак беришга тайёрланган ҳолати.

Лутфулло Фозиловнинг энг биринчи шогиртларидан бугунги кунда Рустамжон Улуғбеков, ўзининг энг қадимги мисгарлик нусҳани сақлаган ҳолда Қўқон мисгарлик ва кандакорлик санъатини ёшларга ўргатиб, кўплаб давлатлардаги кўрик танловларда қатнашиб келмоқдалар. Уста Рустамжон Улуғбеков 1951йил 22-июльда туғилган. Мактабда ўқиб юрган даврларида яъни 1966 йилда дарсдан сўнг Лутфулло Фозиловнинг Кандакорлик тўғарагига қатнаган. 2 йил давомида бу ҳунарни тугал ўрганиб олган. 1968-1972 йиллар давомида Самарқандда олий тўлимни ўқиган. Оилавий шароити сабаб, ўқишни охирига етказмай қайтиб келган ва ёшликда ўрганган ҳунари орқали рўзғорни тебратган. 1982 йил “Усто” бирлашмасининг кандакори бўлиб ишга кирган. 1989 йилда Тошкент шаҳрида Раҳматулло Пўлатов томонидан ташкилланган “Коператив” га ишга борган. Коперативда барча ҳунаرمандлар, пичоқчилар, мисгарлар, кулоллар, кандакорлар фаолият юритишган. Кейинчалик ташкилот номи “Озариф” бўлиб ўзгарган. Рустамжон Улуғбеков бу ташкилотда 10 йил ишлаб, она юрти Қўқонга қайтди ва кандакорлик ҳамда мисгарлик сир-асрорларини жиянлари, фарзандлари қатори қизиққан ёшларга ўргатиб келмоқда.

Устанинг опасини ўғли Ҳасанбой Қосимов унинг биринчи шогиртларидан, десам адашмайман. 2 та ўғли Отабек ва Авазбек Улуғбековлар фақат кичик ўғли мисгарлик соҳасига қизиқиб, устанинг ишини давом эттирмоқда.



3.41-расм.



3.42-расм. Авазбек Улуғбекоа ва Ҳасанжон Қосимов.

3.2. Ёрқинжон Ахмадалиевнинг “Иқтидор маркази” даги фаолияти.

Олтин топмагунча ўргангил ҳунар,
Ҳунарнинг олдида ҳасдир олтин-зар.

Абдурахмон Жомий.

Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва уни йўқ бўлиб кетган турларини қайтадан тиклаш, ривожлантириш, давлат қўли билан қўллаб-қувватланиши, ҳунармандчилик мактабларини очиб ёшларга ҳунар ўргатилиши, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, буларнинг барча - барчаси миллий ўзлигимизни англашга бўлган интилиш, маънавиятимиз пойдеворининг мустаҳкам эканлигидан далолат беради. Қўқон шаҳрида манашундай жонкуяр, фидоий, ёшларни бўш вақтида миллий ҳунарларимизни ҳеч қандай маблағ талаб этмай, ўргатувчи инсонлар йўқ эмас.

Ёшлигиган зиёли оилада, бадиий санъат ва китоблар орасида вояга етган Ёрқинжон Ахмадалиев Турсуналиевич ўзининг инсонларга нисбатан меҳрибон, серҳаракат доим инсониятга фойдаси тегадиган янгиликлар яратишга интилувчан ва миллий ҳунармандчилигимизнинг янгича услубини яратиб ижод қилаётган уста ёшлар кўнглидан чуқур жой олган. У кандакорлик санъатининг янги йўналишини “Иқтидор” марказида ногирон, кам таминланган, лекин санъатга ошно қалблиларга ўргатиб келмоқда.(3.41-расм).



3.41-расм. Кандакорлик. Ёрқинжон Ахмадалиев.

Устанинг дадаси Турсунали Ахмадалиев Ахмадалиевич 1940 йил 4-августда Қўқон шаҳрида туғулган. Бу инсон зиёли ва санъатшинаванда бўлиб, Тошкент шаҳридаги Бенков номли Республика рассомлик билим юртида таҳсил олди. Сўнг Москва шаҳридаги “Дизайн школа” да таълимни давом эттирди. Билим олиш даври тугагач, Озабайжон давлатининг Баку шаҳрида лойиҳачи рассом бўлиб ишлади. Турсунали Ахмадалиев тасвирий санъатда ўзига хос йўналиш яратиб, аскиячилар сўз орқали яратган асарларини, бу инсон ранглар жилоси остида қоғозларда акс эттиради, яъни туб мазмунга эга бўлган ҳажвия расмлар чизади. (3.42, 3.43-расмлар).



3.42-расм. Турсунали Ахмадалиев ижодидан.

Академик Турсунали Ахмадалиев мухташам санъати ортидан “Ўзбекистон Бадий Академияси аъзоси”, “Нуронийлар фаҳрийси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маъданият ходими” каби унвонларга сазовор бўлган. Қўқон бадий ишлаб чиқариш корхонасида бош рассом бўлиб ишлаган. Ҳоирги кунда Ўзбекистон бадий академияси Қўқон бўлими раиси бўлиб фаолият юритмқда.

Серқирра ижодкор ўзининг ташаббускорлиги ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаш, ногиронлар санъатини оламга танитиш мақсадида 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қуватлаш

жамоат фонди ёрдамида “Иқтидор” марказини ташкиллаган. Бу марказни бунёд этилишида турмуш ўртоғи Ахмадалиева Ўктамой Иброҳимовна жонбозлик кўрсатган. Ўктамой ая 1946 йил 6-январда туғилган. Мажбурий ўрта таълим тугагандан сўнг Қўқон педагогика институтининг “Рус тили ва адабиёт” факултетини тамомлаган. Дастлаб мактабда, кейин Қўқон шаҳар хокимиятининг “Ёдгорликларни сақлаш” бўлимида бошлиқ бўлиб ишлади.



3.43-расм. Турсунали Ахмадалиев ижодидан.

Санъат шайдоси, қўли гул гиламдўз, серҳаракат аёл нафақага чиқганда ҳам ҳалқи учун ҳаракатда бўлиб, ногирон ёшларга хунар ўргатиш мақсадида “Иқтидор” марази учун лойиҳа тайёрлади.(3.44-расм). Лойиҳа тасдиқланиб марказ барпо этилди. Шундай олижаноб инсонларнинг фарзанди кандакор уста Ёрқинжон Ахмадалиев 1964 йил 14-июнда Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Қўқон шаҳридаги 13-мактабда таълим олган. Санъат ичида катта

бўлгани учунми, ўзининг кучли қизиқиши боисданми 1979-1983 йиллари пойтахтдаги Бенков номидаги Республика рассомлик билим юртининг “Ёғоч ўймакорлиги” йўналишини томомлади. Кейин харбий ҳизматга бориб келди ва 1986 йилдан Қўқон Бадиий ишлаб чиқариш корхонасида безакчи рассом лавозимида ишлади.



3.44-расм. Ўктамой Ахмадалиева ижодидан.

Корхонада ишлаб юрган вақтида, ҳамкасби, кандакор уста Муҳаммадали акадан металлга гул солишни ўрганди. Ўзи ёғоч ўймакорлиги, наққошлик сир - асрорларини билганлиги сбабдан, кандакорлик санъатини жуда тез ўрганиб олди. Ёрқинжн Аҳмадалиев бу йўналишга янгилик киритиб, мисдан кўра арзонроқ ҳамда юмшоқроқ бўлган металл, алюминга гул ишлаб, уни кўзли мунчоқлар билан безатиб, инсонлар учун керакли буюмлар ясашни йўлга қўйди.(3.45-расм).

Бундан минг йиллар чамаси эшик, деразаларнинг ошиқ - мошиқларини кандакорлик санъати асосида безатилган металдан ясар эдилар. Бугунги кунга



3.45-расм. Ё.Аҳмадалиев. Шкатулка.

келиб бу санъат йўқолиб кетган бўлиб, Самарқанд шахрининг баъзи обидаларида учратиш мумкин эди. Қўқон шаҳар Маъданияти музейи рахбари Манзурахон Мансурова бу обидаларга ташриф буюрганда кўрганлиги сабабли кандакор уста Ё.Аҳмадалиевга шу санъат турини қайта тиклашни

маслахат беради. Уста буни чуқур ўрганди ва ҳаётга тадбиқ этди. Санъат шайдоларига бу услуб жуда ёқди. (3.46-расм).



3.46-расм. Ёрқинжон Ахмадалиев. Хонтахта.


Кандакор уста асосан, товоқ, эшик, дераза, сандиқ, хонтахта кабилар учун металлдан безак тайёрлайди. Шундай нафис ишлари инобатга олинаиб, 1993 йил “Ўзбекистон Бадиий Академияси аъзоси” унвони берилган. Уста ишлари билан кўплаб кўрик танловларда қатнашаи, жумладан, 2000 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Фарғона кунлари” кўрик танловида қатнашиб, вилоятдан келган барча хунарманлар ичида Ё. Ахмадалиев ғолиб чиқган. 2002 йилда эса Бадиий Академиянинг “Ихтиёрий ижод учун” кумуш медали билан тақдирланган.

Иқтидор марказида ёшлар кандакорликдан ташқари рангтасвир, наққошлик, бадиий гилам тўқиш санъатларини ҳам ўрганадилар. Марказ устозлари барчаси кўнгиллилар бўлиб, ҳеч қандай иш ҳақисиз, чин кўнгилдан ўз хунарларини ёшларга ўргатади. Бу истедодли ёшлар ногирон бўлишига қарамай, ўз мақсади йўлида ижоддан тўхташмайди. Шунинг учун ҳам кўплаб танловларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон келажаги буюк давлат дегинг келади.

“Иқтидор” маркази фаолиятидан лавҳалар.









Турсунали Ахмадалиев билан суҳбат.

3.3. Мисгарлик санъатини замонавий таълим тизимига тадбиқ этиш.

Ёшлар тарбиясида асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой меросига таянайлик.
Шавкат Мирзиёев.

Республикамиз мустақилликка эришгач барча соҳаларда бўлгани каби, ҳунармандчилик соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1997 йил 31 мартда эълон қилинган “Халқ бадийи ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бунинг ёрқин далили эканлиги ҳақида олдин ҳам тўхталиб ўтган эдик. Ушбу Фармонга биноан ҳунармандларнинг давлат солиғидан озод қилиниши, ижод эркинлиги, ўз маҳсулотларини эркин нархда сота олиши, халқаро кўргазмаларда иштирок этиши, бадийи ташкилотларда қатнашиши ҳамда чет элда ижодий ишларни амалга оширишлари давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Бу қарорни янада такомиллаштириб, 2019-йил 28-ноябр куни президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар” тўғрисидаги ПҚ-4539 сонли қарори қабул қилинди.

Ҳунармандчиликни ривожланиши ҳозирги меҳнат тақсимотининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Ҳунармандчилик бевосита савдо-сотиқ билан боғлиқ жараён бўлиб, аҳоли гавжум яшайдиган жойларда амалга оширилади.

Қадимда аجدодларимиз усто-шогирд анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўрганиш бўйича бой тажрибага эга бўлганлар. Лекин биз, кейинги вақтларда аجدодларимизнинг бой меросидан, ҳамда тажрибаларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Шулардан бири усто-шогирд анъаналарини чуқур ўрганмаганлигимиздир. Аждодларимиз тажрибалари ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди. Бундан ташқари аждодларимиз бой тажрибаларини ҳозирда ўргатилаётган жойларда, чунончи олий ўқув юртларида, ўрта махсус

касб-хунар таълими муассасаларида, шахсий устахоналарда усто-шогирд одоби тўлиқ ўргатилмаслиги, ўқувчи-ёшларнинг ахлоқ-одобига ва билим даражасига, умуман, уларнинг маънавиятини шаклланишига салбий таъсир этаётганлигининг гувоҳи бўламиз¹⁴.

Ўзбек халқи хунаrmандчиликнинг турли тармоқлари билан азалдан шуғулланиб келган ва анъана сифатида бугунги кунгача ҳам давом эттириб келмоқда. Хунаrmандчиликнинг баъзи тармоқлари унут бўлмасдан, миллийликни, кадриятларнинг етиб келишида усто-шогирд анъанасининг узвийлиги муъим аҳамият касб этади.

Кўли гул уста ўз хунарининг сир-асрорларини ўргатиш учун ўз фарзанди ёки қариндошини ёшлигидан 7-8 ёшидан шогирдликка олган. Шогирд уста ёнида кеча-кундуз 7-12 йил давомида юриб, хунар ўрганган¹⁵. Уста шу хунарни ўрганишга жуда иштиёқманд бўлган бошқа болаларни шогирдликка синов асосида қабул қилган. Яъни синов даври (уч ёки тўрт ой) мобайнида уста шогирдини таълим-тарбиясига, кўли эгри эмаслигига, хунарни матонат билан ўрганишига, сабри етишлигига, хунарни ўрганишга иштиёқи борлигига ишончи комил бўлгач, ўз хунарини шогирдига ўргатишга жазм қилган. Уста шогирдига касбини текинга ўргатган. Усталар шогирдларга нисбатан қаттиққўл, талабчан бўлиб, рисоалар яъни “шогирдлар учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар”¹⁶. Рисола касб-хунарга оид низом қақириқлари (қонун-қоидалар)ни ўз ичига олган¹⁷.

Уста шогирдига хунар ўргатиш жараёнида ўзи ишлаб чиққан махсус одоб ахлоқ нормалари асосида шогирдини маънавий жиҳатдан ҳам тарбиялаб борган. Масалан, улар шогирдидан покизаликни, ростгўйликни, иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номаъқул ишларга яқин йўламасликни, ҳалолликни, устоз рухсатисиз бирор ишга қўл урмасликни қатъий талаб қилганлар¹⁸.

Даръақиқат, хунар эгаллаган, меҳнатдан қочмайдиган инсон жамиятда ўзининг кадр-қимматини топади. “Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар,

¹⁴ Гончарова Р.А. Бухоро зардўзлик мактаби: (Албом). Т., Ўзбекистон КИМПнинг нашриёти. 1986. Б. 12.

¹⁵ Bulatov S.S. va boshqalar. Naqqoshlik. Т. — Iqtisod-moliyal. 2010. В. 60.

¹⁶ Булатов С., Мухторов А. Ганчкорлик санъати. — Тошкент: Musiqa. 2006. — Б.11

¹⁷ Нозилов Д.А. Ўрта Осиё дизайни тарихидан. — Тошкент: Ўзбекистон. 1998. —Б. 7

¹⁸ Булатов С., Мухторов А. Ганчкорлик санъати. — Тошкент: Мусика. 2006. — 11.Б

иймон-эътиқодли фарзанд, - дейди И.Каримов - нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”¹⁹.

Мамлакатимизнинг ўсиши ва ривожланишининг ҳозирги даврида ёш авлодни меҳнатсевар, ҳалол, меҳр-мурувватли қилиб тарбиялаш бугунги куннинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Айниқса, бу ўринда жойлар қиёфасини белгилашда шу ерларда шаклланган, тараққий этган ва анъанага айланган ҳунармандчилик мактабларининг барпо этилиши ёшлар тарбиясида, улар келажагини белгилашда, касбий фаолиятга йўналтиришда, муҳими, касб ва касб аҳлига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш каби фазилатларни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Дунёда қандай ҳунар бўлмасин, унинг устаси ва шогирдлари бўлади. Наққошлик, ганчкорлик, кулолчилик, мисгарлик, пичокчилик, бўйрачилик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлик, саватчилик каби ҳунарларнинг ўзига яраша усталари бўлиб, мисгарлик билан шуғулланган устани мисгар, наққошлик билан шуғулланган устани наққош, кулолчилик билан шуғулланган устани эса уста-кулол деб айтилган. Шогирдлар эса уста деб мурожаат қилишган.

Қадимда ҳунар ва табиий билимлар мактабларда ўргатилмаган якка шогирд тартибида берилган. Ҳозирги вақтда миллий ҳунармандчилик янада ривожланиб келаётган бир пайтда миллий анъаналаримиз асосида устоз шогирдига ўз ҳунарини ўргатиб келмоқда.

Қадимда ҳар бир ҳунар муқаддас ҳисобланган бўлиб, уни ҳурматлаб, эъзозлаб келинган. Ота-боболаримиз томонидан устоз ва шогирдлар учун ўзига хос одоб-ахлоқ, махсус қонун-қоидалар, урф-одатлар, маданият ишлаб чиқилган бўлиб, бу қоидаларга қатъий амал қилинган. Устоз-шогирд муносабатларида ўзига хос иримлар, дуолари, миллий анъаналар мавжуд бўлган. Устознинг ҳам, шогирднинг ҳам олдига қўйилган ўзига яраша вазифалари, бурчи бўлган.

Шогирднинг устози олдидаги бурч ва вазифалари қуйидагича бўлган.

1. Устозга итоатли бўлиш;
2. Устоз анъаналарини давомчиси бўлиш;

¹⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008. Б. 56

3. Устоз анъаналарига садоқатли бўлиш;
4. Устознинг панд-насиъатларига амал қилиш;
5. Устозга тақлид қилиш;
6. Сабр-тоқатли бўлиш;
7. Иродали бўлиш;
8. Устозни юзини ерга қаратмаслик, аксинча унинг обрўсини кўтариш;
9. Устози шаънига илиқ сўзлар олиб келиши;
10. Устозининг душмани билан дўст тутинмаслик;
11. Устознинг оила аъзоларини хурмат қилиш;
12. Устознинг қариндош уруғларини хурмат қилиш;
13. Устозининг рухсатисиз ҳеч нарсага қўл теккизмаслик;
14. Бировнинг нарсасига кўз олайтирмаслик;
15. Устозига чексиз хурмат билан муносабатда бўлиш.²⁰

Ушбу мезонларга амал қилган ёлда таълим муддатини ўтаган шогирд устозидан оқ фотиъа олган.

Ўунарманднинг касб маданиятига қуйидагилар кирган:

- ҳунарни бойлик орттириш мақсадида эмас, балки жамият тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида ўрганиш;
- ҳунарни меҳнатсиз даромадлардан асраш;
- устозлар анъанасига эҳтиромда бўлиш;
- пирларнинг розилигини олиш;
- пирларнинг дуосини олиш;
- меҳнатга лоқайд бўлмаслик;
- меҳнатсеварлик, ҳалол меҳнат қилиш;
- интизомли бўлиш;
- муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслик;
- ҳунарда ақлли тадбиркор бўлиш;
- рост сўзли бўлиш;

²⁰ Булатов С., Мухторов А. Ганчкорлик санъати. – Тошкент: Муסיқа. 20062006. В. 58.

- покиза бўлиш;
- бир ишни қиёмига етказмай иккинчисига ўтмаслик.

Хунарманд ҳоли бўлиши лозим бўлган хусусиятлар:

- нопок йўллар билан бойлик орттирувчилар билан алоқада бўлмаслик;
- бошқа хунарларга нисбатан адоватда бўлиш ва ҳасадгўйлик, бошқалар муваффақиятини кўролмаслик;
- журъатсизлик, дангасалик, ялқовлик, эринчоқлик, исрофгарчилик, такаббурлик, ёлғончилик.

Устознинг касбий фазилатларига ўз хунарига қизиқиши, ўз хунарини ёшларга сидқидилдан ўргатиши, ўз хунарига янгиликлар киритиши, шу хунари бўйича ўзидан кейин яхши, содиқ шогирдлар қолдириши ва шу кабилар киради.

Бугунги ривожланиш даврида халқ амалий санъатини жумладан, мисгарлик санъатини нафақат қайта тиклаш, балки замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда ёш авлоднинг маънавиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўтмишдаги алломаларимизнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг бой илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариб, замонавий билимлар, бугунги ҳаёт талабларидан келиб чиқадиган тажрибалар билан бойитиш зарур ва бу улут меросни аввало ўзимиз учун, келажак авлодлар тарбияси учун бекиёс маънавий озиқа деб билмоғимиз даркор”²¹.

Шу ўринда, бола, деб ҳисоблайди Ушинский, илк ёшлик чоғларидаёқ халқ маданияти элементларини ўзлаштира бошлайди, буларни аввало она тилини билиш йўли билан ўрганади: “Бола ўз теварак-атрофидаги кишиларнинг маънавий ҳаётига фақат она тили воситасида кириб боради ва аксинча боланинг теварак атрофидаги олам фақат ўша муҳит она тили воситасида унда ўзининг маънавий томони билан акс этади”²². Шунинг учун

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”-1996. Б.40- 41

²² Ушинский. К. Д. Танланган педагогик асарлар. – Т.: Ўқувпедавнашр, 1959. – 5 – 22 б.

ҳам, аجدодларимиз азалдан устоз-шогирд анъаналарига алоҳида эътибор берганлар.

Усто-шогирд анъаналари узоқ ўтмишга эга. Ҳунармандчиликнинг таркибий қисми ҳисобланган усто-шогирд маросим ва анъаналари маълум сабаблар асосида пайдо бўлган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ҳар бир ҳунарнинг ўз пири бўлган. Пир (форсча-кекса, кари) сўфийлик анъанасида тариқатларнинг олий раҳнамоси ёки обрўли раҳномалар, шунингдек, ҳар бир мурид ўз муршидини ҳам пир деб атаган. Аҳоли орасида пир тушунчаси авлиё маъносида ишлатилган.²³ Яъни пирга маълум бир ҳунарнинг асосчиси сифатида қаралган. Масалан:

1. Тикувчи зардўз ва бошқаларнинг пири Бобо Зарадўз бўлган.
2. Тўкувчилар пири Идрис пайғамбар;
3. Ёғоч ўймакорлиги ва қайиқчилик пири пайғамбар Нух.²⁴
4. темирчилар яъни металл билан ишловчиларнинг пири Довуд пайғамбар бўлган.

Ўтмишда ота-оналар ҳам фарзандларига ҳунар ўргатаётган устозни ҳурмат-эҳтиром қилганлар. Ота-оналар ва устозлар ўртасида муносабат маданияти ҳам ўзига хос характерга эга бўлган ва улар қуйидаги ахлоқий тушунчалардан иборат.

Ота-онанинг устозга муносабати:

- устозга мурувват кўрсатиш;
- устознинг берган танбеҳини тўғри тушуниш;
- фарзандининг ҳунар ўрганиб, ўзида зарур нарсаларни етказиб бериш;
- устозни рози қилиш.

Устознинг ота-онага ўзига хос муносабати:

- фарзандга ҳунар ўргатиш учун зиммасига олган вазифасини бажариш;
- ўз ваъдасининг устидан чиқиш;
- ота-онага фарзандининг қобилияти, ҳулқ-одобини тўғрисида очиқ гапириш.

²³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти. 2004. Ж.7 Б.73.// Учинчи – Устоз илм; Тўртинчи – при Шаърият. Фан ва турмуш. 1996. №1. Б.20.

²⁴ Bulatov S.S. va boshqalar. Naqqoshlik. T. "Iqtisod-moliya". 2010. B. 69.

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳаммаси С.Булатовнинг “Устознинг шахсий ва касбий фазилатлари” илмий мақоласидан олинган²⁵. С.Булатовнинг ўзбек амалий безак санъатидаги анъаналар, удумлар ва устоз-шогирд анъаналари ҳақида келтирилган маълумотлари 60 босма табоққа яқин ҳажмдаги “Ўзбек халқ амалий безак санъати” номли йирик ҳажмдаги фундаментал илмий тадқиқот асарида илмий-назарий жиҳатдан батафсил таҳлил этилган. Бу илмий тадқиқот асарида ўзбек халқ амалий безак санъати барча турларининг тарихи, хусусиятлари, уларни таснифловчи иллюстратив материаллар ўз ифодасини топган. Бироқ, унда айрим санъат турлари оммабоп тарзида баён этилган бўлиб, масаланинг педагогик ва методик жиҳатлари тўлақонли қамраб олинмаган²⁶.

Шундай бўлса-да, ушбу илмий тадқиқот асари кейинги илмий-тадқиқот ишлари учун энг асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Истеъдодли олим С.Булатов ўз шогирдлари билан бирга ўзбек ҳунармандчилигини ўрганиш муаммолари устида, амалий санъатнинг тарихи, этнографияси, фалсафий, рухий, тарбиявий томонлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ҳар қандай жамият таълим-тарбиясиз, ҳар қандай кўринишдаги таълим-тарбия жамиятсиз мавжуд бўлмайди. Айнан ана шу фалсафий таъриф таълимни, уни тадқиқ этувчи педагогика фанининг ижтимоий аҳамият ва моҳият касб этишини характерлайди. Демак, ҳар бир жамиятнинг ижтимоий муаммолари қаторида маданият ва санъатнинг таълимий ва тарбиявий имкониятларини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган педагогик муаммолар мавжуд. Унинг мазмуни, эҳтиёжи жамият тараққиётининг маълум босқичида ижтимоий буюртмасига асосан белгиланади.

Ҳозирда асосий мақсад, унутилиб кетган ҳунарларни тиклашдан иборат. Бундан ташқари турли халқаро жамғармалар ва ташкилотлар ҳам бу соҳада катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Хусусан, 1995 йил БМТ ёрдамида ҳунармандчилик маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилди. БМТнинг “Маданий-

²⁵ С.Булатов. “Халқ таълими” журнали, 1998, 1-сон, 64-67-бетлар.

²⁶ А.Амануллаев, З.Шералиев. Амалий санъатдан синфдан ташқари ишлар илмий-педагогик муаммо сифатида. – “Халқ таълими” журнали, 2007, 3-сон. 135-137-бетлар.

маърифий туризм ва ҳунарларни ривожлантириш” лойиҳаси ҳамда Каунтерпарт Консорсиум ҳузуридаги “Ҳунармандларга ёрдам” лойиҳаси бўйича катта ишлар амалга оширилди. “Мусаввир” илмий ишлаб чиқариш маркази узурида “Ҳунарманд” халқ усталари уюшмаси тузилди ва барча туманларда бўлимлари ташкил этилди.

Бугунги кунгача миллий ҳунарларимизни жумладан, мисгарлик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлик, кулолчилик, пичоқчилик, кабилар устоз – шогирд анъаналари асосида юқорида айтиб ўтилган одоб-ахлоқ қоида-риоя қилинган тартибда амалга оширилиб келинмоқда. Қадимдан бу ҳунарлар маълум оилалар даврасида, сулолаларда отадан болага, набираларга мерос қилиб ўргатилиши натижасида бизгача етиб келган.

Бугунги кун талаби эса йўқолиб борёган миллий ҳунарларимизни нафақат оила давраси, балки ихтисослашган санъат мактаблари, олий таълим йўналишларига ҳам тадбиқ этиб, бу ҳунарларга қизиққан барча ёшларни қамраб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, худди бугунги кунда олий даргоҳнинг санъатшунослик факултетларида ёки тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишларида наққошлик, кулолчилик йўналишлари бўлиб, бу йўналишни битирган талабалар ҳам ҳунарли, ҳам дипломли бўлишади. Шу билан бир қаторда бу санъат йўналишининг тарихи, катта усталар сулоласи, иш услуби, ҳозирги кундаги фаолияти ва келажаги ҳақида ёзма манбалар, уқув услубий қўлланмалар ярата олиш кўникмалари шаклланган кадр бўлиб йетишиб чиқади.

Мисгарлик санъатини ҳам манашундай мақсад йўлида олий таълимга тадбиқ этилса, миллий ҳунармандчилигимиздан яна бир тури сақланиб қолишга замин яратилган бўлиб, мисгарлик санъати ҳақида ҳам электрон материаллар, ўқув қўлланмалар, бугунги кундаги пўлат қаламли мисгар усталар ва уларнинг фаолияти ҳақидаги ёзма манбаалар кўпайган бўлар эди.

III. боб бўйича хулоса.

Бугунги таълим тизимида ёшларга халқ амалий санъати воситасида бадий-эстетик тарбия беришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, ўз навбатида ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Чунки амалий санъат мазмунида бизнинг узок ўтмишимиз, мумтоз меросимиз, миллий анъаналаримиз мужассамлангандир. Шу боис умуминсоний ва миллий қадриятларни аجدодларимизнинг ижодий тажрибаларини, кўп асрлик анъаналарини ҳисобга олган ҳолда маънавий баркамол авлодни шакллантиришда бадий-эстетик таълим ва тарбия муаммолари ҳам катта ўрин эгаллади. Ёшларнинг юксак инсоний фазилатлари, аجدодларимиз маънавий меросига бўлган қизиқиши, улардаги у ёки бу туғма қобилият ёшлик давридаёқ шаклланиши мумкин. Бу борада халқ амалий санъати ўзига хос моҳият касб этади. Дунёдаги барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари маънавий ва моддий қадриятлари мавжуддир. Ҳар бир миллат ва элатнинг маънавий дунёси ахлоқ-одоб меёрлари, унинг урф-одатларида ўз аксини топади ва шахснинг маънавий шаклланишига таъсир этади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, санъат бадий ҳодиса бўлганлиги сабабли маънавий ҳодиса ҳам ҳисобланади ва бевосита таълим соҳасини такомиллаштириб боришга ўзининг ижодий таъсирини кўрсатади.

Мисгарлик санъатини ҳам манашундай мақсад йўлида олий таълимга тадбиқ этилса, миллий хунармандчилигимиздан яна бир тури сақланиб қолишга замин яратилган бўлиб, мисгарлик санъати ҳақида ҳам электрон материаллар, ўқув қўлланмалар, бугунги кундаги пўлат қаламли мисгар усталар ва уларнинг фваолияти ҳақидаги ёзма манбаалар кўпайган бўлар эди.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Мисгарлик ва кандакорлик санъати ва уни тарихини ўрганиш инсонларни кундалик турмуш тарзини, яшаш шароитини, урф-одатларини, диний ва дунёвий қарашларини аниқлашга катта ёрдам беради.

Мис буюмлардан фойдаланиш темир, алюмин, шиша ёки шу каби бошқаларга нисбатан инсон саломатлиги учун фойдали ҳисобланади. Қолаверса, қадимдан ота-боболаримиз сув қайнатишда, чой ичишда, қўл ювиш учун мис буюмлардан фойдаланиб келишган. Чунки, бошқа материалдан тайёрланган буюмларга нисбатан мис буюмлар ҳамма томонлама қулай, чидамли вачиройли, ҳашамдор бўлган.

Қўқон мисгарлик санъати ва уни келиб чиқиш тарихи тўғрисидаги илмий манбаалар, маълумотларни ўрганиш жараёнида дуч келган муаммоларимиздан асосийси бу ерда етишиб чиққан уста мисгарлар ижоди юзасидан фундаментал тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги, улар ҳақидаги илмий манбааларни энциклопедия, дарслик, ўқув қўлланмаларга киритилмаганлиги бўлди. Ҳаттоки, устазодалар сулоласининг шажараси ҳам тузилмаган. Қўқонлик усталар эришган ютуқлар, Ватанимизда ва ундан ташқарида қатнашган кўргазмалар ҳақида маълумотлар ҳам кам ёритилган. Уста-мисгарларнинг ижод намуналарини ўрганиш ва уларнинг ўзига хос услубини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш керак. Шунинг учун ҳам Қўқон мисгарлик ва кандакорлик санъатининг тарихини ва бугунги кунини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Металлар ҳақида умумий маълумот келтирилган биринчи бобда, мавзумизга алоқадор адабиётларни таҳлил қилдик ва металларнинг умумий тавсифини қора ва рангли металларнинг хоссаларини, ҳамда мис қотишмасининг кимёвий жихатларини ўрганиб чиқдик.

Амалий санъатдаги, хусусан мисгарликдаги анъаналар ва халқ усталарининг педагогик мероси, мисгарлик санъатидаги этник-маданий анъаналар тўғрисидаги маълумотлар, илмий манбаалар таҳлил қилиб чиққанимизда устоз шогирдига нафақат амалий санъатнинг сир-асрорларини ўргатган, балки ўз шогирдларининг дилига бир қатор инсоний сифатларни

сингдириб бориб касбий ва маънавий баркамол шахсни тарбиялашдек хайрли ишни бажариб боргани ҳақида ҳам қимматли маълумотларга эга бўлдик.

Ҳоқанди латиф деб аталувчи азим шаҳарга хос бўлган мисга ишлов беришнинг технологик жараёнига алоҳида тўхталиб ўтдик. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган устларнинг меросини йўқ бўлиш ва қайта вужудга келишига оид тарихи жараёнлар ҳам ўрганиб чиқилди.

Қўқон мисгарлик ва кандаорлик санъати ўзининг бадиий услуби ва нақшларининг ўзига хослиги билан бошқа кандакорлик мактабларидан фарқи анъаналари ва ифодавий тилини даврлар синовларидан омон сақлаган етук миллий кандакорлик мактабларидан бири эканлигида кўзга ташланади. Бунини Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби уста Ёрқинжон Ахмадаиев ижодида кўришимиз мумкин. Уста кулида сайқал топган буюмлар ўзининг анъанавийлигини йўқотмаган ҳолда замонавий талабларга ҳам тўлиқ жавоб беради. Бу устоз ҳақида, уни серқирра ижодига бағишланган телекўрсатув ва хужжатли фильмлар тайёрлаб ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшлари, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлири талабаларига етказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, уста мисгарлар Обидовлар оиласи ижодидаги миллийлик анъаналари, чет давлатларидан келган меҳмонларни ўзига ром этиши, улар ишлаётган мис буюмлар ҳамда буюмга берилётган безаклар соф Қўқон кандакорлик мактаби услуби эканлигини дарслик ва ўқув қўлланмаларга киритиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Уста Иномжон Солижонов ижодидаги миллийлик орқали Қўқон мисгарлик ва кандакорлик санъатининг энг қадимги майда ислимий нақшлар ҳозирда ёш мисгар ва кандакорларга “Ёш кандакорлар” тўгараги заминида ўргатилаётгани тақсинга сазовор. Устанинг қатнашган бир атор кўрғазмаларининг хронологик жадвалини тузиб чиққанимизда Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон каби қўшни давлатлар билан бир қаторда Германия, Россия, Франция, Италия, Япония каби давлатларда жуда кўп маротаба кўрғазмаларда қатнашиб Қўқон мисгарлик санъати анъаналари довуғини оламга танитаётганини гувоҳи бўлдик.

Замонавий таълим тизимида ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришда Қўқонлик усталарнинг ўзига хос тажриба мактаби сир-асрорларини таҳлил қилиб, керакли хулосалар чиқардик. Улар томонидан ташкил қилинган тажрибани оммолаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Асрлар силсиласида ўз жозибасини йўқотмаган халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатни келгуси авлодга етказишнинг йўлларида бири, айнан усто - шогирд анъаналарини сақлаб қолиш, усто-шогирд мактабларининг фаолиятини ривожлантириш ҳамда ёшларга мисгарлик ва кандакорлик сир-асрорларини ўргатишни дастлаб ихтисослашган мактабларда, сўнг олий ўқув юртларида мукаммал ўргатиб етук кадрлар тайёрлаш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлаи. Ўзбек ҳунармандчилиги ёш авлодни ҳам маънан тарбиялашда, ҳам ўз касбига яъни ҳунарига эга бўлган етук мутахассисларни етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Олиб борган тадқиқот ишимиз натижалари дарслик, ўқув қўлланмаларга киритилиши кейинги тадқиқот ишлари самарадорлигини оширади деган умиддамиз.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

I. Расмий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008. Б. 56, 168.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”-1996. Б.40- 41-320.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон. 1995 йил.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., Ўзбекистон. 1996 йил. 240 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат миллий нашриёти. 2004. Ж.7 Б.73.// Учинчи – Устоз илм; Тўртинчи – при Шаърият. Фан ва турмуш. 1996. №1. Б.20.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент., Ўзбекистон, 2016.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Тошкент., Ўзбекистон, 2017.
10. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент., Ўзбекистон, 2017.

II. Меъёрий – ҳуқуқий манбалар:

1. Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 56 б.

III. Илмий, ўқув адабиётлари:

1. Абдуллаев. Н. “Ўзбекистон санъати тарихи” 2-том. Т.: 2007.
2. Сагдуллаев А. С., Костетиский. В. А. “Тарих қадимги дунё” (6-синф дарслик). Т.: 2017.
3. Булатов. С. “ Ўзбек халқ амалий безак санъати”. Тошент “Меҳнат”.1991. 272-б.
4. Нозилов. Д. “ Ўрта Осиё дизайни тарихидан”. “Ўзбекистон”, Т.: 1998.71-б.
5. Булатов С.С., Пўлатова М.С., “Ўзбекистон халқ амалий безак санъати энциклопедияси” - Т.: “Фан ва техналогия”, 2014.
6. Abdullayev T . XIX-XX asrlarda o'zbek kandakorligi. T. “Fan”, 1974, 10- b.
7. Bulatov S. “O'zbek xalq amaliy bezak san'ati”. Т.: 1991. 271-б.
8. Bulatov S.S. va boshqalar. Naqqoshlik. T. “Iqtisod-moliya”. 2010. 60-69 бб.
9. Булатов С., Мухторов А. Ганчкорлик санъати. – Тошкент: Муסיқа. 2006. – 11-58 б.б
10. Гончарова Р.А. Бухоро зардўзлик мактаби: (Албом). Т., Ўзбекистон КПМПнинг нашриёти. 1986. Б. 12.
11. Ҳасанов Ф., Эгамбердиев А., Файзуллаев ва бошқалар О. “Ўзбекистон хунарамандчилиги ва амалий санъати” энциклопедия 2. Тошкент-2017.
12. Нозилов Д.А. Ўрта Осиё дизайни тарихидан. Тошкент: Ўзбекистон-1998, Б. 7
13. Ramizov J. “O'quv ustaxonalarida amaliy mashg'ulotlar”. Т.: О'qituvchi. 1990. 288 б.
14. Раҳмонова М., Ҳамроев А. “Бухоро хунарамандчилиги дурдоналари”. Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
15. Сергеев Б. “Ўзбекистонда мисгарлик”. Тошкент – 1960. 8-бет.

16. Сагдуллаев А. С, Костетский В. А. “Тарих. Қадимги дунё” (6-синф дарслиги). Т.: 2017.
17. Ушинский. К. Д. Танланган педагогик асарлар. – Т.: Ўқувпеддавнашр, 1959. – 5 – 22 б.
18. Ўрмонов Ф., Эшмухаммедов А. “Ўрта Осиёнинг рангли металлари”, Т.: 1976
19. Абауллаев Т, Фахриддинова А, Хакимов А. “Песни в металле” Т.: 1986.

IV. Даврий нашрлар материаллари:

1. Каримов И. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январ.
2. Амануллаев А., Шералиев З. Амалий санъатдан синфдан ташқари ишлар илмий-педагогик муаммо сифатида. – “Халқ таълими” журнали, 2007, 3-сон. 135-137-бетлар.
3. Булатов С. “Халқ таълими” журнали, 1998, 1-сон, 64-67-бетлар.
4. Фарғона телерадио канали видеороликлари. 2019.

V. Интернет материаллари:

www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.

www.review.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти

www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

www.vip.lenta.ru – Интернет нашриёти

хтп://www.чемпорт.ру/асид=42

хтп://либ.мехмат.ру/боокс/8672/

сонтент.маил.ру/арч/13081/1002506.хтм

www.3иё.нет

www.pedagog.uz

www.Ziyouz.com

www.namangan.uz

Иловалар.



Чироқдонлар. Ўрта Осиё Моварауннахр. 11 аср.



Шамдон. Ўрта осиё. Моварауннахр. 12-13 аср.




Шамдон. Самарқанд 12 аср.



Қаламдонлар. Қўқон. 1903-1904-йиллар. 20 аср бошлари.



Қути (Сандон). Қўқон. 19 аср.



Чойнаклар. Қўқон. 19 аср 2-ярми.



Кўза. Қўқон, 20 аср боши.



Обдаста. Қўқон, 19-аср 2-ярми.



Дастшў. Қўқон, 19 аср 2-ярми.



Манқалдон. Қўқон, 19 аср 2-ярми.

Ижодий иш жараёни.







Ижодий ишнинг тайёр ҳолати.

